# КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Чингиз АЙТМАТОВ,
Қирғизистон Қаҳрамони,
Халқ ёзувчиси

**Ҳар бир инсон олдида ўзгармас бир вазифа мавжуд – бугун, эртага ва ҳамиша инсон бўлиб қолиш.**


# Kitob dunyosi

№ 10 (324)
2020 йил
17 июнь.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета




Рабиндронат ТАГОР,
ҳинд адиби, Нобель мукофоти соҳиби

**Агар барча мавҳумот эшикларини ёпсак, унда ҳақиқат эшик ортида қолади.**

## *Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.*

**Жалолиддин РУМИЙ**

## ЭҲТИМОЛ, БАХТЛИМИЗ, ХАБАРИМИЗ ЙЎҚ



**Рамиз РАВШАН,**
**Озарбойжон шоири**

Яна бу шаҳарда юзма-юз келдик,
На илож, бошқа бир шаҳаримиз йўқ.
Балки биз бахтиёр бўла олардик,
Эҳтимол, бахтлимиз, хабаримиз йўқ.
Орадан, о, қанча йил ўтиб кетди,
Танимай қолибман кечиргин мени.
Ўйлардим мен сенсиз ўлиб қоламан,
Мен сенсиз ўлмадим...
Кечиргин мени.
"Ўлмадим," – дейман-у, бу сўз кўп оғир,
Ўлиб бўлгандирман балки мен сенсиз.
Қабрсиз, кафансиз ўлганман аниқ,
Ўлимдан оғирдир, ахир, айрилиқ.
Балки биз ўшанда айрилмасайдик,
На мен аввалгиман, на сен эндиги.
Айрилдик, шайтонни кулдирдик у дам,
Бу йилу бу ойнинг бу кунидаги,
Мана бу кўчада учрашиб турган,
Мени ҳам, сени ҳам ўлдирдик у дам.
Ён-атроф тўладир одамлар билан,
Қўл ушлашган эркак-аёллар ўтар.
Ўзидан бехабар хаёллар билан,
Ўзини ўлдирган одамлар ўтар.
Ўтар ўз қонига ботган одамлар,
Ҳолбуки, қон қани?
Оҳ-воҳлар йўқдир.
Ҳамма гуноҳкорлар дунёда аммо,
Дунёда ҳеч кимнинг гуноҳи йўқдир.
Бизсиз ёзилмишдир бу толе, бу бахт,
Сопқондан отилган бир жуфт тошмиз биз.
Балки бу дунёда ўн-ўн беш йилмас,
Минг йилдан кўпроқдир айрилиғимиз.
Биз йўлда адашиб кетдик ногаҳон,
Бир манзилни кўзлаб йўлга чиққан он.
Фироқда яшаймиз минг йилдан буён,
Минг йиллик хатога бўлганмиз қурбон.
Эҳтимол, алмашиб қолган қиш-баҳор,
Эҳтимол, алмашган қишлоғу шаҳар.
Балки ўз қорнида ўгай оналар
Ўгай болаларни кўтариб юрар.
Балки бошдан оёқ ёлғондир умрим,
Балки толейим ҳам аслида ёлғон.
Ҳов йўлдан ўтган қиз онамдир балким,
Балки ўғлимиздир анави ўғлон.
Бу ёлғон умримда сен ўзи кимсан?
Балки севгилим ҳам бўлмагандирсан?
Балки онамдирсан, опам, бувимсан,
Бир Оллоҳ билади –
Сен кимсан, кимсан?
Бизни ким қутқариб олар фироқдан?
Оҳимизга етар на само, на ер,
На ўлик, на тирик. Аммо йироқсан,
Кел, ҳеч йўқ, ўпаман. Қўлларингни бер!
Дейсанки, мурдаман. Мени ўпмагин,
Кафтларим ичида совуқ ер қўлинг.
Дейсан, раҳминг келсин, мени ўпмагин,
Қўлимдан ҳидлари келар ўлимнинг.

**Озар тилидан**
**Хосият РУСТАМОВА таржимаси**

## АДАБИЁТДАН АБАДИЯТГА ТУҲФА

**Вьетнам, мен сени фақат харитада кўрганман, холос. Тоғларинг, дарёларинг, дарахтларинг қанақа, билмайман. Бағрингдаги инсонларнинг ҳам ҳеч бирини танимайман. Бирортаси билан суҳбатлашмаганим аниқ. Ахир, қуёш ҳамма жойга бир хил нур тўккани билан, ҳар бир ўлканинг тонгларида ўзга қушлар сайрайди, адирларида бошқа шамоллар кезади, боғчаларида турфа гуллар очилади. Аммо ҳар бир мамлакатнинг яна шундай шоир, ёзувчилари борки, улар бутун дунёнинг хазинасидир.**

Вьетнам, мен сени фақат харитада кўрганман, холос. Аммо адабиётни танийман, унга шайдоман. Мана шу мажнунлик яна бир китобни қўлимга тутқазди. Май Ван Фан... Вьетнам, китобнинг ҳар бир сўзидан сенинг ҳар қарич манзилларинг бўй чўза бошлайди. Мана, не-не ҳайратомуз иншоотлар билан тўлиб кетган дунёдаги ягона "Адабиёт ибодатхонаси" қаршимда қад кўтаради. Ҳа, азиз ўқувчи, янглиш ўқимадингиз – "Адабиёт ибодатхонаси"! Ўзимни яшил водийларга отаман. Кўлларнинг сокинлигидан тинаман. Агар бир куни йўлим тушсаям, сени бугунгидек таниёлмасам керак. Май Ван Фан... Мутолаа қиларканман, анчадан бери сарсон-ҳалак бўлиб ҳассосликка эришолмаган руҳим ўзининг юксакдаги жойига ўрнашиб олганини сезаман. Шууримни тиниқлаштганини, қалбимни толиқтирган боғламлар узилиб бораётганини англайман.




Дунё ғаламислари маъсум қалбларни изма-из тақиб қилишдан ҳамон мамнунлик туяётган, дийдалар ҳамон кўзёшларга бепарво, табассумлар беқарор, яшаш еб-ичишдан иборат бўлиб қолганда, одам яхшиликни, эзгуликни соғиниб қолади. Ўша паллаларда катта кутубхоналарда ёхуд китоб жавонингда мана шундай яхши китобларнинг – туҳфаларнинг борлиги катта таскин. Яна уларни ўз тилингда ўқий олсанг, нур устига нур.



**P.S.** Шу ўринда, яқинда Май Ван Фаннинг ўзбек тилига таржима қилинган "Қабоҳат даври" китобини нашр этишда яқиндан ёрдам берган "Янги аср авлоди" нашриётига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Камолат ШАМСИДДИНОВА**



**Акмал САИДОВ**

2-бет

## ПУШКИНГА БАҒИШЛАНГАН НУТҚ

**"Бахт фақат севги билан лаззатланишдагина эмас, балки руҳнинг олий уйғунлигидадир".**

**"Агар бахт бошқаларнинг бахтсизлигига асосланган бўлса, бу қандай бахтиёрлик бўла олади".**

**Кўпинча Достоевский амирона шаклда мурожаат қилган.**

**"Мағрур инсон мўмин бўл, бекорчи мўмин бўл".**

**У таққослашларни келтирган, ёрқин ва ифодали васфларни танлаган:**

**"ҳақиқат шубҳасиз ва ҳис этиладиган", "мусаффо қалб", "азият чеккан юрак".**



**Александр КУПРИН**

5-бет

## ТУНГИ БИНАФША

**Москвага жўнаб кетдим. Аммо Нижний Новгородга етганда Агатага бўлган интиқлигим, қаттиқ соғинч мени қамраб олди. Оёғимни қўлимга олиб дуч келган биринчи поезддаёқ уйга қайтдим. Ота-онамга ёлғон гапирдим – тутуриқсиз, телба-тескари баҳоналар қилдим. Ўз уйимда яккамохов бўлиб қолдим. Ор-номус ва виждон азоби ич-этимни кемирарди. Бир неча марта ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим, аммо ота-онамга раҳмим келди. Ҳаммасидан кўра Агатага кўнглим суст кетгани мени ҳаётга қайтарди.**

**Биплаб МАЖИ:**

## "ШЕЪРИЯТ ЭЗГУЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ"



"Китоб дунёси"ни фақат дунё адабиёти ва китобларига бағишланган таниқли нашр деб биламан. Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб, таърифга сиғмайди. Шу ўринда, ўзбек ўқувчилари ва зиёлиларига ҳавасим келаётганини яширмайман.

7-бет



**Валентина НОВКОВИЧ:**

## "СЎЗ ҚАРШИСИДА ТАСЛИММИЗ"

**Фурсатдан фойдаланиб, жаҳоннинг барча таниқли муаллифларини бирлаштираётган Ўзбекистондаги адабий нашр ҳисобланмиш "Китоб дунёси"га алоҳида ташаккур айтаман. Ўзбекистон ва дунёни боғлаётган бу адабиёт сув каби доим ўз йўлини топиб кетади ва мана, неча манзилларни, қалбларни бирлаштирмоқда.**

7-бет

**Николай ИЛЬИН**

## МЕН ҲАМ ШАМОЛ КАБИ ТУҒИЛДИМ ОЗОД



Ҳаяжондан ҳатто қолмади асар,
Барча гумонлардан айлади холи.
У кириб келди-ю, келган заҳоти,
Бу дарвеш дилимнинг кулди иқболи.
Қуёш сибизғаси оҳангларида,
Кириб келди кундан бергандек товуш.
Руҳимнинг сеҳрли осмонларида –
Нигоҳлар порлайди. Тонг ётар беҳуш.

6-бет



**Глория КЕҲ:**

## "ШЕЪРИЯТ ҲИС-ТУЙҒУЛАРИМИЗГА УЙҚАШ"

**Ижод – умрнинг ажралмас қисми, балки асоси ҳам. Биз юксак орзулар, янги тушунчалар ярата оламиз. Ошхонада жиз-биз қилиш ҳам ижод. Чиройли боғлар барпо этиш, гулдасталар тайёрлаш, мушкулларга дуч келганимизда (нима қилса ҳам хом сут эмган бандамиз-да) қилинган ибодат ҳам ижод, деб ўйлайман.**

7-бет

**Улуғбек ҲАМДАМ**

## САЙЁҲ



Сўзларни чертиб-чертиб айтса, асакаси кетармиди. Мени тушуниб қолишимни хоҳламаган одам каби сўзларни бир бирига шуваб сўзлади-эй. Йўқса, жуда анойилардан эмасдим. Тилни ўргангандим. Ҳатто анча-мунча қочиримларни ҳам фаҳмлаб оладиган сиёқим бориди. Лекин ўз она тилимни билгандек эмас, албатта.

6-бет



**Владимир КОРОТКЕВИЧ**

2-бет

## ЖИННИНГ ХАЗИНАСИ

**Ўша жиннинг ортидан ҳаловат йўқолди уйдан! Бир отларнинг ёлини шунақанги ўриб ташлайдики, тараб ёзолмайсан, ўғилларим шўхлик қилибдими, дейсан. Сутнинг қаймоғини ялаб қўяди, ҳамма бечора мушукка олаяди. Баъзан аёзда мўрида шунақанги увиллайдики, одамнинг эти музлаб кетади, ҳовлига чиққани қўрқади. Ёки мўрининг ичига кириб олиб, сирпанчиқ учади-да, карам шўрвага қурум тўкади.**

**Баъзида печкадан кулчани олиб ҳайрон қолишади, чунки ўртасида миттигина муҳр бўлади.**



**Ҳалима АҲМЕДОВА**

3-бет

## ИЮНЬ БОҒЛАРИДА АЙЛАНАР ҲАЁТ

**Чироқни ўчирма, қақраган руҳим –**
**Аввалгидан кўра ҳозир яқинроқ.**
**Ўзимни яшириб чарчадим ахир,**
**Тиниқроқ кўринсин кўнглимдаги доғ.**

**Чироқни ўчирма, мусофирлигим,**
**Бу сароб дунёда тугар бир куни.**
**Чорлаб сўнгги йўлнинг қўнғироқлари –**
**Мен кетгандан сўнг ҳам ўчирма уни...**
**Чироқни ўчирма!**

# ПУШКИНГА БАҒИШЛАНГАН НУТҚ

**Александр Сергеевич Пушкинга бағишланган нутқ Фёдор Михайлович Достоевский томонидан Москвада 1880 йилнинг 8 июнида Пушкинга ҳайкал очилиши муносабати билан ўтказилган мажлисда сўзланган. Пушкинга ҳайкал аҳолининг хайрия маблағлари ҳисобига ўрнатилган. Бунинг учун саксон минг рублга яқин маблағ тўпланган. Жамоатчилик арбоблари ҳамда "Россия адабиёти иҳлосмандлари жамияти" ва Москва университети каби ташкилотлар ушбу тантана ташкилотчилари бўлган.**



**Акмал САИДОВ,**
**академик**

Тантанали маросимга Пушкиннинг қизлари – Наталья Александровна Меринберг, Мария Александровна Гартунг, ўғиллари – Александ Александрович Пушкин ва Григорий Александрович Пушкин таклиф этилган.

Достоевский ўзининг "Нутқи"га жуда катта аҳамият берган. Бу нутқида у ўзининг ҳаётий ва адабий фалсафий ғояларини эълон қилган. "Пушкин тўғрисидаги нутқ" Достоевскийнинг ўзига хос маънавий васияти эди.

Пушкинга бағишланган бу "Нутқ" тасодифан ёзилмаган. Достоевский шоирни севган ва унинг ижоди ҳамда ғояларининг кучли таъсири остида бўлган. Унинг "Ёзувчи кундалиги"да Пушкинга жуда кўп саҳифалар бағишланган. Достоевский ўзининг романларига эпиграфларни Пушкиннинг асарларидан олган ва асарлари қаҳрамонларига Пушкиннинг шеърларини тилга олдирган ёки уларни тўла ёдлатган. Достоевскийнинг мактублари ҳам унинг Пушкин олдида бош эгишини ифода этганди. "Фақат Пушкинни ўқидим ва ҳар кун бирор янгилик топяпман", – деб ёзган эди Достоевский рафиқасига.

Достоевский учун Пушкин фақат буюк шоиргина бўлиб қолмасдан, қатор жаҳон аҳамиятига молик умуминсоний муаммоларни ҳал этиш масаласини кўтарган мутафаккир бўлган. Бу муаммолар Достоевскийни бутун ҳаёти давомида банд этган, у бу ҳақда ўзининг "Нутқи"да ҳам айтган.

Замондошлари ҳамда Достоевскийнинг ўзи гувоҳлик беришича, "Пушкин тўғрисидаги нутқ" улкан муваффақиятга эга бўлган ва тингловчиларни ларзага солган. Уни гулларга буркашган ва унга улкан дафна гулчамбари тақдим этишган.

Достоевский "Нутқи"нинг ларзага соладиган тассурот қолдирган ва матбуотда кўп сонли акс садо берган.

Достоевскийнинг "Нутқи" тили бевосита ваъз, қироат хусусиятига эга. Нутқ оҳангида ваъз овози янграган. У гапирмаган, ваъз қилган, ваъзи ўта самимийлиги учун, бу ўзига хос хусусият тингловчиларнинг руҳиятига янада кучли таъсир кўрсатган.



"Пушкин нутқи" нимадан иборат эди? Достоевский "янги сўз" айтганми ёки моҳир нотиқ каби тингловчиларда завқ-шавқ уйғотганми?

"Пушкин нутқи" ҳажми жиҳатидан катта эмас, бироқ "Тушунтириш сўзи" илова қилинган. Унда Достоевский ўзининг "Нутқи"да қуйидаги тўрт қоидани илгари сургани ва асослаганини ёзган:

биринчидан, Пушкин Онегин ва Алеко тимсолида зиёлиларнинг халқдан узилиб қолганини ва бунинг нотўғрилигини кўрсатиб, зиёлилар жамияти халқ билан бирлашишига даъват этган;

иккинчидан, Пушкин биринчи бўлиб "бевосита руслар руҳидаги халқ ҳақиқатида ифодасини топган рус нафосатининг бадиий қаҳрамонлариини кўрсатган";

учинчидан, Пушкинда ундан бошқа ҳеч ерда ва ҳеч кимда учрамайдиган умумжаҳон раҳмдилликка қодирлик ҳамда даҳода ўзга миллатларнинг тўлиқ гавдаланганини деярли мукаммал ифодалангани мавжуддир;

тўртинчидан, бу тўла-тўкис рус халқининг миллий қодирлиги ва фақат Пушкингина мукаммал ижодкор сифатида унинг замонавий ифодачиси бўлган.

"Пушкин нутқининг тузилиши" ўзига хослиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради – Достоевский ўз фикрларини иложи борича тингловчиларнинг кенг доираси учун тушунарли бўлишига ҳаракат қилган. "Нутқ" кучайиш тамойили бўйича қурилган.

Достоевский дастлабки сатрларида Гоголга ишора қилиб, Пушкин фақат фавқулодда воқеа эмас, шунингдек, башоратчи эканини ёзган. "Ҳа, унинг намоён бўлиши бизнинг ҳаммамиз, руслар учун башоратчилиги шубҳасиздир".

"Нутқ" услуби тез ўзгариб турган. Пушкин тўғрисида гап кетганида мазмун лиризм билан суғорилган. Онегин ва Алеко истеҳзоли ифода этилган. Истеҳзо кўпинча заҳархандалик билан алмашган. Баландпарвоз оҳанг гапириш нутқи, у эса ваъзхонлик билан алмашган. Достоевский кўпинча ўз қаҳрамонларини ифодалаш учун турли асарларидан иқтибослар келтирган. Унча катта бўлмаган "Нутқи"да Пушкиннинг шеърлари ва поэмаларидан ўнта иқтибос келтирган. "Нутқ"нинг тингловчиларга таъсирини ҳаётий ҳикматлар ва танбеҳлар кучайтирган. Улар ёзувчи фикрларини янада ёрқин ва аниқ қилган. Достоевский ўзининг мулоҳазаларини қуйидаги каби лўнда хулосалар билан туғаллашга ҳаракат қилган:

"Бахт фақат севги билан лаззатланишдагина эмас, балки руҳнинг олий уйғунлигидадир".

"Агар бахт бошқаларнинг бахтсизлигига асосланган бўлса, бу қандай бахтиёрлик бўла олади".

Кўпинча Достоевский амирона шаклда мурожаат қилган.

"Мағрур инсон мўмин бўл, бекорчи мўмин бўл".

У таққослашларни келтирган, ёрқин ва ифодали васфларни танлаган:

"ҳақиқат шубҳасиз ва ҳис этиладиган", "мусаффо қалб", "азият чеккан юрак".

"Пушкин нутқи" шакли бўйича нотиқлик жанрининг ёрқин намунасидир. Мазмуни эса ёзувчининг ғоялари тўғрисида тўла тасаввур беради. Достоевский миллатни инсониятга хизмат қилишга даъват этган. Достоевский ҳаммани жаҳон чеҳрасини ўзгартиришга чақирган. Кунларни бирида у шундай деган: "Дунёнинг чеҳраси менинг ўзимга жуда ҳам ёқмайди".

Ф.М. Достоевскийнинг Пушкин тўғрисидаги нутқи жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Агар буюк ёзувчиларнинг нутқлари кўп ҳолатларда авлодларни тарихий-адабий нуқтаи назардан қизиқтирса, Достоевскийнинг "Нутқи" жуда қимматли нодир ижодиёт намунасидир.

Достоевский ўзининг нутқида биринчи бўлиб Пушкин аҳамиятини муносиб баҳолаган. Пушкин рус адабиётида биринчи бўлиб нималар қилганини узоқ вақт санаб ўтиш мумкин. Достоевский бундай қилмаган, балки энг муҳим нарсалар билан чегараланиб, олдига қўйган вазифани аъло даражада бажарган.

Фикримизча, Достоевскийнинг бу масалада истеъдоддан ташқари беқиёс меҳнат ўрин тутган тўғрисидаги қимматли фикри алоҳида аҳамиятлидир. Достоевский "Ўз руҳининг бошқа халқлар руҳида деярли мукаммал гавдалантиргани" тўғрисида гапирар экан, яна бир, Пушкиннинг ўзи томонидан айтилган гавдалаштиришни кўрсатмаган – "Европалик Шарқ нафосатида европаликнинг таъми ва нигоҳини сақлаб қолиши керак". Бу Пушкиннинг гавдалантириш сиридир.

Достоевский учун Пушкин тўғрисидаги ўйлар ўз халқи тақдири ўйларидан айри эмасди. Пушкин бутун рус халқининг юксак чўққиси, уни мукаммал тимсолидир.

---

**XX аср беларусь адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Владимир Короткевичнинг ижоди ўзининг романтикаси, юксак бадиий маданияти, ватанпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Ёзувчининг "Қирол Стахнинг ови", "Қадим афсона", "Лўлилар қироли", "Баҳор қор қўйнида мудрайди" қиссалари, "Сен ўроқ солган буғдойзор", "Ольшанскийнинг қора қасри" романлари, "Оппоқ қанотлар остидаги замин" эссеси айниқса китобхонлар томонидан суйиб ўқилади. Ёзувчи халқ оғзаки ижодини маънавиятнинг бетакрор хазинаси деб билар, миллий эртаклар, афсоналар, топишмоқ ва қўшиқларни ёзиб олиб, тўплар эди. Беларусда бу йил Владимир Короткевичнинг 90 йиллик юбилейи нишонланади. Шу муносасат билан, хассос адибнинг хаёлотга бой дунёсини ёрқин очиб берувчи "Жиннинг хазинаси" ҳикоясини эълон қилишга қарор қилдик. Асарда адиб анъанавий фольклор сюжетини оригинал образлар ва деталлар, майин лиризм ва кўнгилчан юмор билан бойитган.**

# ЖИННИНГ ХАЗИНАСИ






**Владимир КОРОТКЕВИЧ**
**(1930-1984), беларусь адиби**

Қуёшдан сал бери, Ойдан сал нари гўзал бир ўлкада, олтин далалар, тиниқ дарёлар, мовий кўллару қалин ўрмонларга бой диёрда... хуллас, сен билан мен яшаётган юртда бир кулба бор эди, балки ҳали ҳам бордир.

Ўша кулбада Янка деган деҳқон яшарди. Буқадек ҳайбатли, раҳмдил, аммо кўп-да зукко эмасди у. Унинг элликта ўғли, қирқта моли ва мушуги бор эди. Ҳа, майли, эҳтимол, элликта эмасдир ўғли, балки учтадир, моли қирқтамас, иккита эди. Лекин мушуги бор эди, менга ишонаверинг. Йўл-йўл. Тўрт оёқли. Битта думли.

Янка ер ҳайдаб, сигирларини ва булутларни боқарди. Агар бошига кулфат тушмаганда жуда яхши яшаган бўларди.

Бу қадим замонда рўй берган эди. Жудаям қадим, Белая Русда жинлар яшаган даврда бўлганди. Ўша жинларнинг ҳар бирида меҳнат қиладиган макон бор эди.

Бири сувда яшаб, чўртанбалиқ, зоғорабалиқ ва олабуғаларни боқарди. Унинг танаси ям-яшил, сочлари пахмоқ эди, худди бир тўп сувўтига ўхшаган. Сув жини дейишарди уни.

Иккинчиси ўрмонда яшаб, буғуларни боқарди, ўзи худди йўсин қоплаган тўнкага ўхшарди. Агар кўриб қолсанг, ростакам тўнкадан ажратолмасдинг. Алвасти дейишарди уни.

Жинларнинг учинчиси, кулбаларда яшаб, чигирткаларни боқадигани ҳам бор эди. У энг баттоли эди. Шохи худди улоққа, тишлари саримсоққа, думи қурум супургига ўхшарди.

Ўша жин Янканинг кулбасини ёқтириб қолди. Ёмонлиги жаҳли тезлигидан эмасди, шунчаки ўзи безори эди. Лекин унинг шумлигидан Янканинг йиғлагиси келарди. Бўлмаса-чи! Ахир, сен ҳам ёмон бўлганинг-чун тўполон қилмассан, а? Ота-оналар эса баъзида йиғлаб олишади. Яхши эмас!

Ўша жиннинг ортидан ҳаловат йўқолди уйдан! Бир отларнинг ёлини шунақанги ўриб ташлайдики, тараб ёзолмайсан, ўғилларим шўхлик қилибдими, дейсан. Сутнинг қаймоғини ялаб қўяди, ҳамма бечора мушукка олаяди. Баъзан аёзда мўрида шунақанги увиллайдики, одамнинг эти музлаб кетади, ҳовлига чиққани қўрқади. Ёки мўрининг ичига кириб олиб, сирпанчиқ учади-да, карам шўрвага қурум тўкади.

Баъзида печкадан кулчани олиб ҳайрон қолишади, чунки ўртасида миттигина муҳр бўлади. Чунки жин дам олгани иссиқ хамирга ўтирган, совқотганидан исинмоқчи бўлган-да.

Ҳеч бир кун кўриб бўлмади. Янка ҳатто аёзда ҳам пичанхонага бориб ухлади. Бечора болаларини совуққа олдирай деди. Жиннинг қилиқларидан тўйиб, кулбани тим-тирс ёпиб, болалари, отлари, моллари ва мушугини олиб дунёнинг нариги четига кетишга қарор қилди. Ватанини, қалин ўрмонларни, ёруғ дарёлар ва тиниқ сувларни ташлаб. Бир куни йўлда оғир қадам товушлари эшитилмаганда Белая Русда яна битта деҳқоннинг кулбаси камайган бўларди.

*Тўпир-тўпир-тўп-тўпир...*
*Айиқ қўлида ўғир.*
*Бу ўғирда қуралаш*
*Болу ёнғоқ аралаш.*
*Мағиз, конфет бўлишди,*
*Зар қоғоз тўлдиришди.*
*Маймоқ сўқмоқсиз йўлда*
*Болажонларга қўлда*
*Ширин ўғирни элтар.*

Бир киши айиқ етаклаб келарди. Иккови қишлоқма-қишлоқ кезарди.

Айиқни етаклаган киши ашула айтиб, цимбал чаларди. Айиқ хотинлар қандай қилиб сув ташишини, болалар қандай қилиб нўхат ўғирлашини кўрсатиб берарди. Иккови шу билан ўзига егулик топарди.

– Саломатмисан, Янка? Маймоқ иккимизни тунагани қўясанми кулбангга? – сўради айиқ етаклаган киши.

– Менга нима? Киравер, – жавоб бери Янка. – Лекин ўзим пичан устида ухлайман.

– Нега энди?

– Кулбамга жин кириб олган. Шумлик қилса, қутулолмайсан. Ишонасанми, кулчага ўтириб дам олади. Мўрида увиллайди. Баъзида, қоронғи тун пайти печканинг тагидаги токчада нимадир чўғдек ёнади. Ваҳминг келади.

– Э-э, – деди айиқ етакловчи киши. – Ҳаммаям отангнинг боласидек нодонми? Айиқ етаклаб юрадиган одам, яна ёнида айиғи бор-а, жиндан қўрқадими?! Оламда бунақаси бўлмаган.

– Майли, борақол. Карам шўрвадан тати. У ёқда яна қозончада димланган шолғом бор, агар тунда ҳеч гап бўлмаса, эрталаб қорнингни тўйғазиб оларсан. Мен пичанхонага кетдим. Шом тушса, бўлди, кулбага оёқ босмайман – қўрқаман.

Хуллас, меҳмон карам шўрвани ичиб олди, маймоққа ҳам овқат берди-да, ухлагани харракка ётди. Айиқ эса печка ёнига чўзилиб, хуррак ота бошлади.

Бу шунчалик қадим замонда бўлган эдики, Белая Русда картошка нималигини ҳали билишмасди. Картошка ўрнига шолғом ёки брюквани буғда димлаб пиширишарди. Мана, меҳмон уйқусида нонуштага шолғом ейишини туш кўряпти.

Жимжит тун кириши биланоқ жин келди. Ярамас ўғри қурумдан қуюн кўтариб, мўридан думалаб тушди-ю, печка ичини титкилай кетди. Айтишган-ку, уй эгаси ҳатлаганди остона, кулча кетди жойи ростона. Қозонча қопқоғини кўтарди. Мазали ҳид келди.

"Эҳ-ҳе, шолғом-ку. Айни менга керак таом. Шолғомни яхши кўраман-да".

Лекин печка ичи қоронғи эди, худди... печкадагидек. Шунда жин печканинг қопқоғини сурди, қозончани олдига тортди, печка лабига оёқларини осилтириб ўтириб, ширин шолғомни пок-покиза тушира кетди, пўчоғини эса пастга ташлай бошлади.

"Ҳечқиси йўқ, эртага бека супуриб олади. Унга ҳам иш қолиши керак-да".

Пўчоқларнинг бири айиқнинг бурнига тушди-ю, уйғониб кетди. Бурнини ялаб кўрди – мазали нарса экан. Шу билан маймоқ қоронғиликни ҳидлаб, пўчоқни топиб, чайнай кетди.

Жин пастда кимдир тумшуғини ялаб, чапиллатаётганини эшитди. Билардики, уйда мушукдан бошқа жон йўқ. Мана энди мушук чапиллаб, пишиллаб унга, яъни жинга бегона шолғомни хотиржам ейишга халал беряпти.

Жин ўгирилиб, мушукни оёғи билан туртди.

– Миёв! Ҳой, ярамас миёв!

Буни қара-я. Ахир, айиқ мушук эмас-ку. Мен ҳам айиқни тепишга маслаҳат бермайман.

Маймоқнинг жаҳли чиқди. Жинни қучиб, печка лабидан тортиб туширди-да, уни бағрига босиб эзғилай кетди, камига калтаклашга, панжаларида айлантириб дўппослашга, сидириб пўстагини қоқишга, хамирдек муштлашга, янчишга, худди Сидоровнинг эчкисидек жунларини юлишга, ўлгудай савалашга тушиб кетди.

Жин айиқнинг қучоғидан аранг сирғалиб қутулди. Печка лабига учиб чиқди. Амал-тақал қилиб мўридан ўрмалаб, томга ўтди, томдан сирпаниб ерга тушди-ю, кулбадан узоққа қараб қочди. Эсини йўқотгандек ўрмонга чопди.

Айиқ эса, жинни қалампирга босгандек боплагач, буғдой сотган зотдек тиниқиб ухлади.

Тонгда уйғонишиб, шолғомни айиқ ебди, деб ўйлашди. Иссиқ печкага киришга қўрқмабди-я, деб ҳайрон қолишди, озгина еганига хурсанд ҳам бўлишди. Нима ҳам дердик, айиқ бошқанинг касрига биринчи бор қолиб тургани йўқ, бундан кейин ҳам балогардон бўлаверса керак.

Сўнгра қозончада қолганини еб тугатишди. Маймоқ хайрлашиш олдидан болаларга ўйнаб ҳам берди. Кейин айиқ билан эгаси яна у жойдан бу жойга, у қишлоқдан бу қишлоққа қараб кетишди. Офтоб тиғида, ёмғир остида...

Тўпир, тўпир, тўпир, Маймоқ қўлида ўғир...

Аммо шу кундан ўтиб жиннинг шумликлари йўқ бўлди-қўйди. Отлар саломат, карам шўрва юзида қурум йўқ, кулча юзига ҳеч ким ўтирмайди... Тўғри, баъзида мўрида кимдир увиллайди, печка тагига қурилган токча остида нимадир ярақлайди, аммо энди бунга чидаса бўлади. Янка кулбасини ташлаб кетишдан айниди.

Лекин бу билан ҳикоямиз тугамади, шошманг. Бир куни, ёз адоғида Янка ўз ерини кузги экин эккани ҳайдаб турган эди. Бирдан қараса, булутлар остидан, кўз илғар олис ёқдан – уфқдан шудгор босиб кимдир келяпти. Разм солса – э, эски таниши, жин-ку.

Сувга тушган лайчадек ҳўл. Ҳар бир туёғига бир пуддан лой ёпишган. Бурни тагида аёздан музлаган каттакон томчи осилиб турибди. Рўмолчаси, турган гапки, йўқ. Худди сен ҳам баъзида унутиб уйда қолдирганингдек. Туёққа бурун артиб бўлмаса... Бирам бечора, бирам нотавонки, Янка ачиниб кетди унга:

– Йўл бўлсин?

– Ҳеч қаёққа, – деди жин. – Бошим оққан томонга.

Жим бўлиб қолишди. Кейин жин сўради:

– Малол келмаса, айт-чи, ўша мушук ҳалиям кулбангда яшаяптими?

Янка жуда зукко одамлардан эмас эди, қолаверса, қайси мушук тилга олинганини ҳам билмасди.

– Қаердаям бўларди, – деди у. – Албатта, кулбамда. Яна олтита мушуквачча туғди у.

– Ҳаммаси онасига тортганми?

– Ҳм. Ҳаммаси йўл-йўл, тўрттадан панжаси, биттадан думи бор.

– Панжаси-я, панжаси, – минғирлади жин. – Эсимда ўша панжалари.

Ё Худо, олтита-я!

– Қўй-ей, энди кулбангга келмайман, – хўрсинди жин. – Аммо боришим керак эди. Жуда.

– Нега энди?

– Ҳа, печкангни тагига олтин тўла қозон кўмганман. Хазина. Кавлаб олсам, ёмон бўлмасди, мушугингни эсласам – бр-р-р!

– Қўявер уни. Йўқ бўлса, бўлаверсин. Совқотсанг, келавер. Келсанг, шолғом қайнатасан, беланчак тебратасан.

– Э, йўқ! Мушукдан қўрқаман. Шолғомни бўлса ўлгунимча кўрмай, деганман.

Хуллас, даладан судралиб кетаверди, ёмғир тагида, оғир-оғир оёқларини лойдан аранг чиқариб. Бирам бечора, шўрпешона.

Янка эса экинини ҳайдаб бўлиб, уйига жўнади. Шундагина печка остида, токча тагида нимадир ярқираганини, жин хазина ҳақида гапирганини эслади.

Печка тагини кавлай бошлашди. Ана холос! Олтину сўлкавойга тўла қурум босган каттакон қозонни қазиб олишди. Уй ичига худди ҳароратдек нур таралди.

Шунақанги ёришди, шунақанги қиздирдики, ҳамма кийимини еча бошлади.

Жин шундан кейин кучли аёз турганда, барибир, келадиган бўлди. Фақат мушукни қазноққа чиқарворишни сўрарди. Янкага карам шўрва пишириб берар, унинг болаларини беланчакка солиб тебратарди. Ўшандан бери: "Омадлининг ҳатто беланчагини жин тебратади", деган мақол чиққан.

Жиннинг ўша хазинаси орқасидан Янка ўзига-ю, бутун қишлоққа янги уйлар, омборлар, пичанхоналар, отхоналар қуриб берди. Боғ яратди, тегирмон бунёд этди.

Ҳамма деҳқонларда қирқтадан ўғил ва қиз, қирқтадан от ва мол бор. Ҳамма уйлар овоза қилгудек. Ҳар кулбада, дарчада, қуёш остида саватча. Ҳар саватчада мушук, ҳар мушукда олтитадан мушукча. Мана буни бахт деса, толе деса бўлади!

Ҳаммасига сабаб шу: агар бахтли, шодон умр кечирсанг, ҳеч қачон инидаги айиқнинг жиғига тегма, мушукка наинки тош, юмшоқ тупроқ ҳам отма. Ахир, улар қадим-қадим замонда сенга яхшилик тилашган. Ҳа, умуман ҳеч кимга ҳеч нарса отма, ҳеч кимнинг аччиғини келтирма.

Шунда Қуёшдан сал берида, Ойдан сал нарида ётган бу гўзал заминда ҳамма яхши яшайди. Одамлар меҳнат қилишади, мушуклар миёвлашади, айиқлар сенга ҳам, бошқа ҳамма болаларга ҳам ширин ўғир келишади.

Тўпир, тўпир, тўпир...

**Рус тилидан**
**Рисолат ҲАЙДАРОВА**
**таржимаси**

# Июнь боғларида айланар ҳаёт



Ҳалима АҲМЕДОВА

***

Тун бўйи ухламай бол йиғиб чиқар,
Энг гўзал шоирга ўхшайди июнь.
Дарахтлар қалбидан пишиб-етилиб,
Боғларга тўкилар ширали жунун.

Гулнинг ҳовузидан шудринг ичади,
Тонгни зўрға ташиб келган чумоли.
Сабо тонгга чайиб, илиб қўяди,
Нозбўй шохчасига нафис хаёлим.

Девордан сирғалиб тушади серзавқ,
Уфқдан сачраган қирмизи шуъла.
Ва турфа узумлар юзидан ўпиб,
Қуёшнинг кафтига ташлайди қуръа.

Июнь боғларида айланар ҳаёт,
Қайғу шодлик бирга ўйнар баҳру-байт.
Кўзим ойнасини чертади нурлар,
Кўнглим орзу билан талашаётган пайт.

Чиройли тебраниш иштиёқида
Япроқларга сингиб кетади сабрим.
Оппоқ булут кўкнинг ҳошиясида –
Танидим, бу сенинг дастхатинг, Раббим.

Нурли дуррачасин танғиб бошига,
Боғлардан зардоли териб юрар кун...
Умр, англадимми қисқалигингни
Ёки гўзалмиди аввал ҳам июнь?!

***

Парданинг ортида кўрингай денгиз,
Парданинг ортида сузмоқда олам.
Жаннат боғидаги Туъбо дарахтин
Нафис соясидир кўзингдаги ғам.

Парданинг ортида куйган қанотин
Шаъмга суйдиради ошиқ парвона.
Эй, азал соқийси, дарз кетмаганми
Халлож қони теккан биллур паймона?

Ичимдаги йиғи куйга айланди,
Шошмақом энтикди мен тортган оҳдан,
Йўлим тўсма, Намруд, ўрганай десам
Гулханнинг тилини Ҳалилуллоҳдан.

Парданинг ортида яшилдир осмон,
Ям-яшил кўзгуга узатаман қўл
Ва бемор талваса сўрайди қақшаб:
– Узоқми жаннатга борадиган йўл?!

Ўн саккиз минг олам парда ортида
Жонимни боғларкан тугунма-тугун,
Худо, мен қайсарни кечиргин, кетдим,
Дўзах оловларин ўчирмоқ учун...
Парданинг ортида кўрингай денгиз.

***

Ўттиз биринчи май.
Келинг, баҳор билан хайрлашамиз,
Гуллар ўгираркан дунёдан юзин
Боласин соғиниб келгану кўрмай
Кетаётган онадай у кетар маҳзун.

Дераза ортида кетаяпти баҳор,
Кузатишга чиқмас бирорта кимса.
Таҳлика ичидан сирғалиб чиқиб,
Қўлни силкитайлик унга ҳеч курса.

Кимдир зарда қилар ўзига ўзи:
– Жуда ёмон келди баҳор бу сафар.
...Баҳор этагини қўйвормай дилгир,
Юм-юм йиғлай бошлар маъюс гулсафсар.

Орзу яшил эди, яшил ишқ ҳаққи,
Кафтга олиб пишган жони ҳил-ҳилни.
Келинг, баҳор билан хайрлашайлик,
Қушларнинг тилига кўчириб дилни.

У кетар уфққа узатганча қўл,
Ҳеч бир ошиқ қалбдан топмайин хабар.
Қарғишдай, дуодай сочилиб кетар
Боғнинг хилватида маъюс гулсафсар.
Келинг, Баҳор билан хайрлашайлик...

***

Гул каби келади, нур каби келар
Кўнглимга соғинчинг кунлар ботганда...
Булутдай сокинман, ёмғирдай жўшқин,
Денгизлар қалбини тинглаётганда.

Яйрасам, шамолга айлантирдинг сен,
Куйсам, вужудимни кийди биёбон.
Силқиган бир томчи кўз ёшудирман,
Мен сенинг ишқингга кўчгандан буён.

Кўз ёшман, сирлашсам шудринглар билан
Осмон гумбазида нилий ҳаяжон.
Жуда узоқлашиб кетдим дунёдан,
Мен сенинг ишқингга кўчгандан буён.

Ҳўпласам дўзахдан ортган оловни –
Сийратимда нақшин қолдирди ризвон...
Нур кўтариб юрар қалбим соясин –
Мен сенинг ишқингга кўчгандан буён.

Чорласам дарёлар келди шошилиб,
Бир қучоқ гул бўлди тўртала томон.
Худойим, неча бор ювдинг исмимни,
Айт, сенинг ишқингга кўчгандан буён.

***

Касалманд вужудим тупроқни қўмсар,
Қора тер ичинда титроқми босар.

Дарднинг бозорида айланиб юрсам,
Молини мақтайди бир олибсотар.

Дер: гадо шавқидан сотиб олганим –
Малҳам, ичсанг дарддан қолмагай асар.

Дейман: эшитганинг борми ҳеч замон,
Қандай малҳам ичсин, ахир холистар.

Дарднинг бозоридан қайтаман дардга,
Азоб миршаблари йўлимни тўсар.

Қарайман нафснинг югурдаклари –
Бу сароб дунёни тинмай ясатар.

Дер: недан қўрқаяпсан, давронингни сур,
Оҳинг бунча баланд дунёни бузар?

Айтгум: тупроқ бўлсам юрак ичиндан
Қонталаш ва гўзал бир лола юзар.

Мен қўрқиб ётаман ернинг остида,
Лолани дўстимми ё ғаним узар?!

Касалманд қужудим тупроқни қумсар...

***

Деразам рахида парчагина нур,
Гоҳ ҳаёт, гоҳ ўлим шаклида ўйнар.
Осмон кенглигида эса булутлар,
Паришон дарахтлар баргини санар.

Деразам рахида парчагина нур,
Дейман: эй, кел, менинг қайғумни синдир!
Чарчадим, ҳар кеча дил эшигини,
Азоб бармоғида чертади кимдир...

Осмон кенглигида эса булутлар,
Қайси дарёнингдир ишқини куйлар.
Боғнинг хилватида бошини эгиб –
Сўлишни истамай титрайди гуллар.

Менинг ҳолим билан ҳолим талашар,
Ярмимда самоюю ярмимда тупроқ.
Ўзини ўзгага беркитаётган –
Телба хуружига дилим яқинроқ...

Деразам рахида парчагина нур,
Қайдандир адашиб тушгандир балки.
Ё ишқ тонгларини йўқотиб қўйган –
Ғамзада ошиқнинг чил-парчин қалби.

Деразам рахида парчагина нур,
Тамшаниб ўйнайди, ўйнар тўйгунча.
Ёмғирли қанотин силкитиб келиб –
Уни ичиб қўяр ёлғиз мусича...

***

Қадимий ушшоқ...
На нурман, на ҳаво, на заррадурман,
Зарранинг ичида бир ларзадурман,
Ларза нафасида бир лаҳзадурман –
Ишқнинг водийсида аён эмасман.

На уммон, на денгиз ва ё на дарё,
Қарасам, кўнглимда гулханли саҳро,
Шунча дардим билан водариғ, ҳоло,
Мажнун занжирига шоён эмасман.

Ёдингга дил экдим эрта, кеч, саҳар,
Дедим: ишқ бошоғи ёнмоқда ял-ял.
Бир куни умримни шопирса Ажал –
Э-воҳ, воҳ, елда учган сомон эмасман.

Исминг сотиб олиб жон баҳосига,
Уни тикиб қўйсам қалб қабосига,
Азоб қуйиб ичсам дил давосига,
Назаринг тушгучи паймон эмасман.

Дод этсам, телба деб қамчиладилар,
Истеҳзо илкида чимчиладилар,
Ҳажрингда тугасам ачинмадилар,
Нечун ҳижронингда ҳоқон эмасман.

На нурман, на ҳаво, на заррадурман,
Зарранинг ичида бир ларзадурман...

***

Шаббодалар келди қайдандир шошиб,
Ё Исо Масиҳнинг нафасими бу?

Туннинг кўзгусига ўзини солиб,
Чиройли қўйлакда тебранди қайғу.

Тебранди боғларнинг хушбўй туйғуси,
Ва ой чўмилтириб қўйди баргларни.
Деразадан тушган қатимгина нур –
Тўзғитиб юборди эски дардларни.

Мавҳумдир дарахтга суянган руҳим –
На гул ва на дилнинг мавсуми каби.
Қадим вужудимда чайқалаётган –
Билмайман, билмайман бу кимнинг қалби?

Шаббодалар кетар судраб этагин –
Ташлаб иситмаси баланд дунёни.
Мавҳум ва паришон ҳолимга тағин –
Безовта қиламан тунда худони.

Шаббодасиз қолган тун қучоғида,
Менинг бор-йўқлигим билмайди ҳеч ким.
Раббимдан уялмай, ўзидан тониб –
Муножотни бузиб ўйнар юрагим.

***

Чироқни ўчирма, гарчи тун ёруғ,
Осмон кулгучида ой тўлган гарчи.
Қоронғу қисматим ичра қатма-қат,
Сузган булутларнинг зулмати аччиқ.

Чироқни ўчирма, мен ўқияпман,
Деворларда қолган фарёд изини.
Ўқияпман, дераза пардаларида,
Тонг ёдидан чиққан шодлик исини.

Чироқни ўчирма, шуъла томонга,
Талпинган парвона билан дардлашай.
Жунунни унутган юрагим билан
Парвона парвози ичра адашай...

Чироқни ўчирма, қақраган руҳим –
Аввалгидан кўра ҳозир яқинроқ.
Ўзимни яшириб чарчадим ахир,
Тиниқроқ кўринсин кўнглимдаги доғ.

Чироқни ўчирма, мусофирлигим,
Бу сароб дунёда тугар бир куни.
Чорлаб сўнгги йўлнинг қўнғироқлари –
Мен кетгандан сўнг ҳам ўчирма уни...
Чироқни ўчирма!

**Одам икки марта яшайди. Бир марта бола бўлиб, кейин эса улғайиб. Бола бўлиб яшаганингда, ҳамма нарса осон, ҳамма нарсада гўзаллик қайнаб ётади. Катта бўлганинг сари эса икир-чикирларни ҳам, қайғуни ҳам улканлаштириб борасан. Аммо боликнинг қалб софлиги билан улғайиб, умринг ўтса, демак, чинакамига яшабсан. Худди шундай, болаликнинг мусаффо тонгларини, хушчақчақ кунларини ўз асарларига кўчирган, болаларнинг улкан қалб шоири, устоз Анвар Обиджонни сиз – адабиётсеварлар билан бирга яна мутолаа қиламиз.**

# БОЛАЛИКДАН АЙРИЛИШ ҚИЙИН



Анвар ОБИДЖОН (1947–2020),
Ўзбекистон Халқ шоири

Болалигимни қўмсайвераман, қўмсайвераман... Ичикиб-ичикиб соғинаман...

Ваҳоланки, у замонларда ҳаёт енгил бўлмаган. Уйлар полсиз, қишда печка топилса, кўмир топилмайди. Ўтин ёқсанг, бир ловуллаб иситади-ю, яна тафти сўнади. Сандалнинг аҳволи ҳам шу. Қор ёки ёмғир ёғса, томдан чаққа ўтгани-ўтган, сув томчилаётган жойларга териб қўйилган турли идишлардан таралган "чак-чук", "тиринг-тиринг"ларда кўринмас ажиналар ўйин тушаётгандек.

Иложи борича кундузи дарс тайёрлашга уринардим. Қоронғига қолсанг, керосин иси анқиб турадиган лампа-чироқ кўзларингни толиқтиргандан толиқтириб ташлайди. Эндигина пайдо бўлган электр чироқлари ойда уч-тўрт йилтиллаган бўлади, шундаям шамдан хира. Бу етмагандек, умумий қилиб солинган кўрпада қаторлашиб ётган опа-укаларинг: "Чироқни ўчир, ухла", деб тихирлик қила бошлашади.

Иккинчи жаҳон уруши уқубатларидан эндигина қутулган хонадонларнинг кўпчилиги анча қашшоқ эди. Маҳаллада ёппасига тупроқтом уйлар, кўпининг ҳатто айвони ҳам йўқ. Фалончи томига шифер ёпганмиш, дейишса, одамлар атайлаб кўргани боришарди. Кўчалардан дам иккала ғилдираги девор бўйи келадиган қўқонарава, дам ўрислар "бричка" деб атайдиган тўрт ғилдиракли кўтакарава ўтиб қолади. Кейинроқ қўш отли "ҳаптакач"лар кўпая борди. Бир сакраб, кенг юкшотининг четига осилиб олсанг, ана мазза, мана мазза. Колхозимиздаги иккита "полатўрка" юк машинасидан бири ёки хусусий мотоциклар ҳафтада бир-икки бор кўзга чалиниб турарди, қий-чув кўтариб, ортидан чопқиллашга тушардик. Енгил машина учраб қолса-ку, байрам бўлиб кетарди. Лекин қандайдир "сирли катталар"ни олиб юрадиган бу машиналарга осилиш тугул, югуриб қувлашга ҳам ҳаддимиз сиғмасди.

Оиламиз ўзига тўққина эди. Аммо кўпчилик қўшниларникига кирганимда, дастурхонларида чой-нон, туршак-қоқилардан бўлак нарса йўқлигини кўриб, ғалати бўлиб кетардим. Бундай хонадонларда яшовчи ўртоқларимнинг бир унисини, бир бунисини уйимизга тез-тез бошлаб кирардим, бирга овқатланардим, дастурхонга қанд ҳам қўйишларини талаб қилиб туриб олардим. Сен қандни ҳар куни ейсанми, дея ҳавас билан сўраб қўярди болалар. Хоҳласам, кунига ўн марта ейишим мумкин бўлса-да, негадир ёлғон гапириб, онда-сонда беришади, холос, деб ғариблаaнар эдим. Оқ қандни-ку мендан аяшмас эди, бироқ гулдор қоғозчаларга ўралган попукли қандларни қутичада қулфлаб сақлашар, гоҳ қулфбузарлик қилишга мажбур бўлиб, бошимга бало орттирардим. Меҳмонлар келганда, олдиларига товоқчалардаги ширинликларни териб ташлашса, катта бўлиб меҳмонга борсам, наҳотки, менинг олдимга ҳам попукли қандларни товоқчаси билан ишониб қўйиб қўйишса, деб ўйлардим. Биламан, егинг келиб турибди, олифталанмасдан лунжингга тиқавермайсанми, деган хаёлда меҳмонга хитланиб боқардим.

* * *

Қўшни маҳалладаги мачит биноси ўртасига дувол урилган тарзда иккита синф хонасига мослаштирилган бўлиб, биттасида бешинчи синфгача биз ўқиганмиз. Биринчи ўқитувчимиз Аҳмадали Обидийни "Мулла ака" деб чақирардик. У зот бирортамизни турткилаш у ёқда турсин, қаттиқ чақчайганини ҳам эслолмайман. Аччиғини келтирсак, ўзини қаттиқ хафа бўлгандек, астойдил аразлагандек тутиб, оқсоқланганича дераза ёнига борар, маъюс қиёфада жим туриб қолар, сочига оқ оралаган, ҳеч кимга озор беришни истамайдиган домламиз билан тезроқ ярашиб олишга тиришардик.

Бошланғичда ўқиётган чоғларимда Заҳрахон деган синглим, Ҳомитжон деган укам қаттиқ шамоллашдан бирин-кетин вафот этишган. Улар қайта-қайта тушимга кираверарди...

Чамаси, болалигимни ҳадеб қўмсайверишимнинг асосий сабаби ҳам шу – ўша даврларга қайтсам-у, Заҳрахон билан Ҳомитжон ёнимда диконглаб юришса, ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, уларни ўйнатаверсам, ўйнатаверсам. Улар вафот этадиган пайт яқинлашгач, ҳаётим яна янгитдан бошланаверса.

* * *

Бобомиз Баҳром ота эшон бўлган эканлар. Уйида мактаб очиб, болаларга дарс бериб ҳам тураркан. У киши оламдан ўтганларида, Обиджон дадам ўн ёшда, Шафоат аммам беш ёшда бўлишган экан.

Сарвинисо бувимизни эшон отанинг аёли сифатида ҳурматлашиб, кўплар зиёратга келиб туришар, отин ойилар тез-тез йиғилиб, китобхонлик қилишарди. Ҳали мактабга бормаган бола бир четда ёнбошлаб олиб, девона Машраб, Або Муслим, бобо Равшан кабилар ҳақидаги ривоятларни берилиб тинглардим.

Дадам эскича илмдан хабардор бўлсалар-да, диндорлар, айниқса, таниқли диндорларнинг фарзандлари ҳам қаттиқ кузатув остида бўлган маҳаллаларда улғайгани учун замонга мос турмуш тарзини танлаган эдилар. Сиёсатга қизиққанларини билмайман. Эсимни таниганимдан то илк ўсмирлик давримгача пахта қабул қилиш пунктида товаршунос бўлиб ишлаган. У киши ўз ишининг ўта билимдони экани, бошқа жойлардаги касбдошлари маслаҳат олишга келиб туришлари тўғрисида кўп гапиришарди.

Онамиз Мунис ая ҳозир биркам тўқсондалар. Ёшлигида далага ялангоёқ қатнаб, колхознинг битта нони, бир коса ёвғоншўрваси эвазига саҳардан кечгача ишлаганини бот-бот



эслаб туришади. Бизнинг назаримизда аямиз ҳамон кийимимизни ювиб, олдимизга овқат қўйиб, бир тергаб, бир эркалатиб юргувчи ўша-ўша уй бекаси.

Бувимизга ука бўлмиш Усмон тоғамиз сал дувонахонлиги боис уйланмасдан, бизникида яшаб ўтдилар. Бирин-кетин кўтариб катта қилгани учун у кишини ҳаммамиз жуда-жуда яхши кўрардик. Тоғажонимиз вафот этганида ўсмир эдим, нимага йиғлаяпсиз, деб аямга дағдаға қилганим ёдимда.

Дадам 1969 йилда ҳарбийдан қайтишим биланоқ мени уйлантириб, уч ойдан сўнг оламдан ўтдилар. У кишидан саккиз фарзанд қолган, уч опам, тўрт укам бор. Опаларим аллақачон дадамнинг ёшидан ўтиб кетишди. Шуни биламан, ишонгим келмайди.

* * *

Шеър ёзишга бошланғич синфлардаёқ ружу қўйганман. Дастлабки шеърларим ўша отин ойилардан эшитган Машраб ғазаллари радифларига тақлидан битганман. "Ғунча" журналининг мухлисига айланганимдан сўнг болаларга тинимсиз ёзишга тушдим. Шу журналда ишловчи Миразиз Аъзам домла мени қулоғимдан тортқилаб шоир қилган, йўқса, бу ҳавасдан ўшандаёқ кўнглим совиб, бошқа ёққа чалғиб кетишим ҳеч гап эмасди.

Ўсмирлигимда дадамнинг ишлари сал орқага кетиб, оиламизга етишмовчиликлар оралаб қолди. Аямиз яхшигина чевар эдилар, ёзда кител, қишда пахтали камзул тикиб сотиб, рўзғорнинг камини ёпиб юришди. Менда ҳам тирикчилик ташвиши эртароқ бошланди, олти-еттинчи синфларда маҳаллалар аҳолисига текин хизмат кўрсатувчи сайёр киночига шогирд тушдим, кейинроқ кечки мактабда ўқиб, пахта заводида трактор миндим. Мактабни битиргач, қўрғошин конида бурғиловчи, қишлоқ кутубхоначиси бўлдим, Самарқанд Молия техникумини тугатиб, аскарликка кетдим. Уч йиллик хизматдан қайтганимдан сўнг, тўнғич ўғил бўлганим учун, отасиз оиланинг бошлиғига айландим. Колхозда табелчи бўлиб иш бошладим.

Шундай хилма-хил ҳаёт, шунча ташвишнинг ичида юриб, шеър ёзишдан барибир кўнглим совимади. Дафтарларим кетма-кет тўлаверди. Туман газетасига мухбирликка ўтганимдан кейин ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирдим-у, ниҳоят, ўзим кўпдан орзулаб юрган йўлнинг бошига чиқиб олдим. Болаларга аталган "Она Ер" номли биринчи китобим бахтимга энди "Ёш гвардия" нашриётида ишлаётган Миразиз Аъзам домланинг саховати билан 1974 йилда босилиб чиқди.

Туман газетасида олти йилча ишлаб, бирон-бир газета-журнал ёки нашриётга ўрнашиб олиш умидида бошкентга келдим, лоақал олдин мусаҳҳиҳликка ҳам лойиқ кўришмагач, Тошкент ёғ-мой комбинатига боғбон бўлиб жойлашдим. Тошкентга қуруқ ҳою ҳавасга эргашиб эмас, пухта ҳозирлик билан келиш



лозимлигини англаб, яна қишлоққа қайтдим. Фарғона радиосидан иш беришди. 1980 йилда "Ёш гвардия"да "Баҳромнинг ҳикоялари" деган иккинчи китобим босилгач, шу ерда Бош муҳаррир бўлиб ишловчи устоз Эркин Воҳидов ҳузурига чақириб, китобингизни ўқиб хурсанд бўлдим, бизга ишга келмайсизми, деб қолдилар. Ёшим ўттиз тўртда экани, бешта фарзандим борлигига қарамай, 1981 йилнинг ёзида нашриётга келиб иш бошладим. Насиб экан, кейинчалик "Ёш куч", "Муштум" журналларида, Чўлпон номидаги нашриёт, Ўзтелерадиокомпания тармоғида ҳам ишладим.

Ҳозиргача ўттизга яқин китобим чоп этилди, бир неча пьесаларим саҳналаштирилди, айрим асарларим асосида болалар учун кинолар яратилди...

Ҳаётимнинг бу ёқдаги қисми ҳақида кўп гаплар айтилган, ёзилган, чўзғилашнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Энг муҳими, юртимнинг эркини кўрдим, энг катта армондан халос бўлдим.

Бошимдан нималар кечган бўлмасин, барибир яхши яшадим. Нимаики кўрсатган бўлса, Яратгандан минг марта розиман. Имкон қадар сабрли бўлишга, борига шукрона айтишга уриниб келдим. Тўғриси ҳам шу экан.

Ҳаёт давом этяпти. Феълим эса, ўша-ўша – болалигимни қўмсаб-қўмсаб тураман. Бу менга ички куч ато этаверади.

# Севгилим, кўзингда ёшларни кўрдим

## РАҚС

Маҳбубам, келақол, тортинма,
рақс тушиб дунёни кезайлик.
Бу ҳаёт аталмиш даврада,
қанотни эркинроқ ёзайлик.

Суяксиз эмасман ўйинга,
нима ҳам ўзгарар яширсам?
Эпчил қадам ташлай олмайман,
рост, англолмайман ритмларни ҳам.

Лек, юрак йўрғалар куйингга,
менинг сўзим мисли нақорат.
Рақс тушар эканмиз икков –
ўртамизда севги бор фақат.

О, бизнинг ўйингоҳ ердамас,
ўрнашган таҳайюл юртида.
Бахтимиз шунчалар бутунки,
мангулик ҳам қолажак ортда.

Пайқадингми титроқларимни?
Ахир доим титрайман-ку мен,
Сарҳисоб шарт эса агарда,
муҳаббатим – мукаммалга тенг.

Маҳбубам, келақол, тортинма,
рақс тушиб кезайлик дунёни...

## АРИНАГА

Бир қизни биламан, Одессада у
Улкан бир денгизнинг шундоқ лабида.
Кўзлари тим қора, қора қаҳвадек,
Йўлимни қарайди, менман қалбида...

Бир кун Одиссейлик қилурман ўзим,
Гомер куйлаб ўтган қаҳрамон мисол.
Ўшанда боғларни баҳор чулғаса,
Бизнинг юракларни ўрайди висол.

Бирам форам ҳаво, арилар тинмас
Келинга дўнади гўё Одесса.
Оқ, пушти кўйлаклар кияр-у гулдан
Бир лаҳзани пойлар – қани мен келсам...

Эҳ, мен аскар эмас жангларда ғолиб,
Ё тарихдан қайтган Одиссеймасман.
Аслаҳам йўқ ахир қаламдан ўзга,
Сўздан нажот кутиб яшовчи касман...

Лек, кўзлари қора, қора қаҳвадек...
Ўшал малак ила топишмоқ учун,
Севги майдонида қучгали зафар,
Албат Оддесага қайтурман бир кун!

## ХРИЗАНТЕМАЛАР

Севгилим,
менга деб гуллар олибсан бугун,
айт-чи, улар ўсади қайда?
Улар Зимбабведан келтирилар
бизнинг ёқларга,
Билармидинг дея қизиқдим.

Улар Харареданолиб келинган,
У ерда рақс тушар сонсиз тунеллар,
Ва бизнинг бир онлик шодлигимиз деб,
Чанқоққа дош берар миллионлаб оғиз...

Азизам,
менга деб гуллар олибсан бугун,
айт-чи, улар ўсади қайда?
Улар Зимбабведан келтирилар
бизнинг ёқларга,
Билармидинг дея қизиқдим, холос...



**Жон ФАРНДОН (1960)**

*Буюк Британиялик ёзувчи, шоир, таржимон, таниқли драматург ва бастакор. У бундан ташқари бир қатор илмий ҳамда болалар учун ёзилган китоблар муаллифи ҳисобланади.*

*Илмий китоблари учун икки марта Рҳоне-Поуленс ва бир марта Авентис мукофотлари билан тақдирланган.*

## НАВБАТ

**(2019 йилнинг ёзида Ҳиндистоннинг жанубида қурғоқчиликдан азият чеккан аҳолига бағишланади)**

Сув сўраб навбатда турдим кун бўйи,
Ҳеч нарса йўқ эди мен учун бироқ.
Сув сўраб навбатда турдим кун бўйи,
Аммо бари эди беҳуда...

Биз Далитлар – энг паст табақа,
сабр билан кутдик қаторда.

Бироқ Брахманлар деди:
"Сув тамом!"
Жазирама офтоб тиғида
турган эдик навбатда, кейин
Сувсиз қайтдик уйга
эмаклаб...

Улар қўлда дарралар билан
Қарши олардилар бизни.
Мабодо,
Нолисак дўппослаш учун,
Бечора гўдагим –
йиғлади,
йиқилди...
Мен-чи қайтдим уйимга ёлғиз...

Сув сўраб навбатда турдим кун бўйи,
Ҳеч нарса йўқ эди мен учун бироқ.
Сув сўраб навбатда турдим кун бўйи,
Аммо бари эди беҳуда...

* * *

Севгилим, кўзингда ёшларни кўрдим,
Қандай қилиб тағин етказдим зарар?
Ўйловсиз сўзларим майин қалбингни
Ханжар каби тилди – айлади яра.

Била туриб озор бергандан кўра,
Маҳкум қилинсайдим кошки ўлимга.
Бироқ тилкаландим, осилдим рости,
Кўнглингни оғритган заббоб тилимдан.

Бу тақдир ўйини, биламан, жоним,
Кимни ардоқласак берамиз озор.
Не кўйларга солар телба руҳимиз,
Ҳезланиб қоламиз бекордан бекор

Кечирармисан, айт, бир бора мени?
Ранжитганим учун, азизам, сени?

* * *

Ҳаёт ўйин эмасдир, Адам,
Ютқазсанг бас, мағлубсан демак.
Берилмагай бошқа бир ёрдам,
Иккинчи бор жонланмоқ – эртак.

О, биламан, ҳаяжон недир:
Қон ютганман қалтираб, қақшаб.
Ҳов, ўша сен ғанимларингни,
Енгганингда мардларга ўхшаб.

Бироқ, ҳаёт ўйинмас, Адам,
Ютқаздингми, мағлубсан демак.
Берилмагай бошқа бир ёрдам,
Иккинчи бор жонланмоқ – эртак.

Мен ҳам сендек бир аламзада,
Киборларни кўрар кўзим йўқ.
Кетига бир тепсам, додласа,
Тағин хўрлай дейману бироқ...

Ҳаёт ўйин эмасдир, Адам,
Ютқазсанг бас, мағлубсан демак.
Берилмагай бошқа бир ёрдам,
Иккинчи бор жонланмоқ – эртак.

Адам, бир бор берилган умрим,
Яшамоқ-чун бахтлиларга хос.
Тағин урин демайди ҳеч ким
Бу дунёни тарк этсам бехос.

## МАНЗАРА

Намозшом чўкади борлиққа
Сояларга бурканар замин.
Дайди шамол эсар ҳар нега
Пуркамоқчи бўлиб изғирин...

Қўнаётир соялар аста
Менчи бунда бир ўзим маҳзун.
Ўзим каби ёлғиз қалбимни
Мутаассир этар қаро тун.

Унутади булбул нағмасин,
Бойўғлининг ноласи музлар.
Яширинар оч тулки инига,
Гарчи сен йўқ, бир сени излам...

**Инглиз тилидан**
**Шоҳрух УСМОНОВ**
**таржимаси**

# ДАЛИЯ

**Ҳикоя**



**Робиндронат ТАГОР (1861–1941), ҳинд адиби, Нобель мукофоти соҳиби**

Урушда қаттиқ мағлубиятга учраган шоҳ Шужа Аврангзеб таъқибидан қўрқиб, бошпана излаб Аракан рожаси ҳузурига қочиб келишга мажбур бўлди. Унинг уч соҳибжамол қизи ҳам ўзи билан бирга эди. Аракан рожаси уларни ўз ўғилларига олиб бермоқчи бўлди. Буни эшитиб шоҳ Шужа жуда ғазабланди. Шундан сўнг бир куни Аракан рожасининг фармони билан Шужа ва унинг қизларини алдаб қайиққа ўтқиздилар-да, дарёнинг ўртасига олиб келиб, ғарқ қилмоқчи бўлдилар. Ўлим хавфидан даҳшатга тушган ота кичик қизи Оминани ўз қўли билан дарёга отиб юборди. Катта қизи ўзини ўзи ҳалок қилди. Ўртанча қизи Жуликҳани Шужанинг содиқ мулозимларидан Раҳмат Али деган йигит қутқазиб қолди. Шоҳ ўзи шу курашда ҳалок бўлди. Дарёнинг асов тўлқинларида оқиб бораётган Омина тақдирнинг марҳамати билан бир балиқчининг тўрига тушиб, халос этилди. Балиқчи уни ўз кулбасига олиб бориб, тарбиялаб ўстирди. Бу орада Араканнинг кекса рожаси ўлиб, унинг ўрнига тахтга ёш ҳоким ўтирди.

### I

Бир кун эрталаб кекса балиқчи Оминанинг олдига келиб пўнғиллади:

– Тинни (у ўзининг аракан тилида Оминани шундай атар эди)! Бугун сенга нима бўлди? Сен ҳозиргача бирор иш қилмабсан-ку! Тўр ёғланмаган, қайиқ...

– Бобо, – мулойимлик билан жавоб берди қиз, – бугун менинг опам келганлар; гап билан овора бўлиб, иш қилолмадим.

– У қанақа опа бўлди тағин?

– Мана мен, – деди Жуликҳа, гўё ер остидан пайдо бўлгандай.

Чол ҳайрон қолди. Сўнгра қизга яқинлашиб, унинг юзларига тикилганча:

– Сенинг қўлингдан бирор иш келадими? – деб оҳиста сўради.

– Бобо, опам учун мен ишлайман, – деди Омина, – у ишлаб ўрганмаган.

Чол андак жимликдан сўнг Жуликҳага қараб:

– Сен қаерда яшайсан? – деб сўради.

– Омина билан.

– Нима билан тирикчилик қиласан?

– Бунга маблағ топилиб қолар, – деди Жуликҳа ва бир тилла тангани жаҳл билан балиқчининг юзига қараб отиб юборди.

Омина ердан тангани олиб чолга бераркан:

– Бобо, бу ҳақда ортиқ гапирманг, ишингизга боринг; вақт бўлди, – деди мулойимлик билан.

Жуликҳанинг Оминани балиқчи кулбасидан топгунча эркак кийимида бутун оламни кезиб чиққанини китобхонга тушунтириш учун алоҳида ҳикоя ёзиш керак. Бу орада унинг халоскори Раҳмат Али ҳам Аракан рожасига хизматга кириб олган эди.

### II

Дарё бир маромда тўлқинланиб, секин оқиб борар, ёзнинг салқин шабадаси оҳиста эсиб кайла дарахтининг қизғич япроқларини тўкарди. Дарахт тагида Жуликҳа билан Омина ўтирарди.

– Худо биз опа-сингилларни отамизнинг ҳалокати учун қасос олсин, деб халос этди. Бунга бошқа сабаб йўқ, назаримда, – деди Жуликҳа.

Омина бўлса қорайиб кўринган ўрмон тарафига назар солиб, секин гапирарди:

– Опа, бу гапларнинг нима ҳожати бор? Мен оламни қандай бўлса, шу турилича севаман. Агар одамлар ўлишни истаса, қўйинг, бир-бирларини ўлдиришаверсин. Менга шу ернинг ўзиям жуда яхши.

– Эҳ, Омина! Ахир, сен шоҳ қизисан! Деҳли тахти ўрнига қандайдир аракан балиқчисининг кулбасида ўтирибсан!

– Агар қизга балиқчи кулбаси билан кайла дарахтининг сояси Деҳли тахтидан кўра маъқул бўлса, бундан тожу тахтга ҳеч қандай зиён етмайди, – кулимсираб жавоб берди Омина.

– Сени бунинг учун айблаб бўлмайди, чунки сен у вақтда жуда ёш эдинг. Аммо шуни билиб қўйки, отам сени жуда севарди, шунинг учун ҳам у сени ўзи сувга ташлади. Бундай яшашдан кўра отанинг қўлида ўлиш минг марта афзал. Сенинг ҳаётингдан мурод – отамизнинг ҳалокати учун ўч олиш.

### III

Жуликҳа ташвишга тушиб, синглисининг феъл-атвори ҳақида ўйлаб ўтирарди. Бирдан ёнига биров сакраб тушгандай туюлди ва шу ондаёқ кимдир қўли билан унинг кўзларини беркитди. Қўрқиб кетган Жуликҳа қичқириб юборди:

– Ким бу?

Йигит бу овозни эшитиб, қўлини тортиб олди-да, қизнинг рўпарасига ўтди. Гўё Жуликҳа ўзини Тинни қилиб кўрсатишга уринган-у, йигит бу ҳийлани пайқаб қолгандек:

– Сен Тиннимассан! – деб қичқирди.

– Сен кимсан?

– Сен мени билмайсан. Тинни билади. Қани у?

Можарони эшитиб Омина чопиб чиқди. У опасининг дарғазаб бўлиб турганини, йигитнинг саросимада ва ҳайратда қолганини кўриб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Опа, унинг сўзларини кўнглингизга олманг. Шуям одамми? Ахир, у ёввойи кийикнинг ўзгинаси-ку. Агар у сизга ножўя муомала қилган бўлса, мен адабини бериб қўяман. Далия, нима қилдинг? – Омина йигитга ўгирилди.

– Мен қўлим билан унинг кўзларини беркитдим. Тинни деб ўйлагандим, янглишибман, – деб жавоб берди йигит.

– Сен ростдан ҳам ёввойисан! Подшоҳ қизи рўпарасида туришгаям лойиқмассан! Сенга одобни ўргатиб қўйиш керак экан. Менга қара, манавиндай қилиб салом бер...

Шу тариқа Омина йигитни уч қадамдан орқага юргизиб, таъзим қилдира-қилдира кулбанинг эшиги олдига олиб борди ва:

– Энди уйга кир, – деди.

Йигит уйга кирди.

– Ўчоққа ўт ёқ! – деди қиз ва эшикни беркитиб опасининг олдига чиқди.

– Опа, ундан хафа бўлиб юрманг. Бу ернинг одамлари ҳаммаси шунақа, ўлгудек беор.

– Омина, ростини айтсам, сенинг қилиғинг мени таажжубда қолдирди, – деди жаҳли чиққан Жуликҳа. – Аллақандай ёш бола сенга қўл тегизишга журъат қилса, ахир!

– Опажон, борди-ю, бирор шаҳзода шундай қилганида, шубҳасиз, мен уни жеркиб ташлардим, – деди Омина опасини қучоқлаб.

– Ростини айт, Омина, ўзинг айтгандай, бу дунёни бор бўйича севишинг шу ёввойи йигитча туфайлимасми? – деб сўради опаси кулиб.

– Яшириб ўтирмайман, опа, унинг менга кўп ёрдами тегади. Гул териб юрганидаям, мева терганидаям, ов қилаётган чоғидаям, мен бир оғиз чақирдимми – дарров етиб келади. Баъзан унинг таъзирини бериб қўяй дейман, лекин қилолмайман. Агар жуда жаҳлим чиқиб: "Далия, мен сендан жуда хафаман", – десам, у менга қараб секин кулиб қўяди, холос. Назаримда, бу ўлкада шундай ҳазиллашадилар, чоғи. Агар уни туртиб қўйсанг, қувониб кетади. Мен буни синаб кўрдим. Ҳозир ҳам уни уйга қамаб қўйганимдан хурсанд. Агар шу тобда эшикни очсак, кўзлари қизариб, хушнудлик билан ўт ёқиб турганини кўрасиз. Опажон, уни нима қилишимни ўзим ҳам билмайман.

– Мен бирор нарса ўйлаб кўраман, – деди Жуликҳа.

– Илтимос, опажон, менга кўмаклашинг. Аммо унга ҳеч нарса деманг, – деди Омина уялиб жилмаяркан.

Омина Далия тўғрисида ҳали яхши ўргатилмаган, бегона одамдан ҳуркадиган севимли кийик ҳақида гапиргандай сўзларди. Шу палла опа-сингиллар олдига балиқчи чол келди.

– Тинни, Далия келмадими? – деб сўради у Оминадан.

– Келди.

– Қани?

– Бебошлик қилгани учун қамаб қўйдим, – деди қиз.

– Агар у шўхлик қилса, сен сабр қил. Унинг ёшида биз ҳаммамиз ҳам тентак эдик. Қаттиқ жазолама, – деди чол ва: – Кеча Далия учта балиғимга бир тилла берди, – деб қўйди.

– Бобо, хафа бўлманг, бугун мен ундан икки тилла олиб, биттаям балиқ бермайман, – деди Омина.

### IV

Қизиғи шуки, Жуликҳа бора-бора Далиянинг келиб туришига эътироз қилмай қўйди. Дарёнинг шиддатли оқимини қирғоқлар тутиб тургандай, маърифатли кишилар орасида гўзалларнинг юрак уришини ҳам андиша тутиб туради. Аммо маданиятли кишилардан йироқда, Аракан ўрмонида андиша нима қилади?! Жуликҳанинг ёш қалбида аллақандай орзу уйғониб, у хушнудлик ва аламдан беқарор бўлиб қолди. Бора-бора шу даражага етдики, агар йигит ҳаяллаб қолгудек бўлса, опа-сингил бир хилда сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутар эдилар. Аммо бу учрашувлар вақтида Жуликҳанинг юраги тез-тез сиқилиб: "Наҳотки, маликанинг қисмати шу бўлса?" деб ўйларди.

Бир куни эрталаб Далия келганда, Жуликҳа унинг қўлидан ушлаб:

– Далия, менга шу ернинг рожасини кўрсата оласанми? – деб сўради.

– Кўрсата оламан, нега сиз уни сўраб қолдингиз?

– Мен бир ханжар сақлаб юрибман, уни рожанинг юрагига санчишим керак, – деди қиз.

Далия дастлаб бироз таажжубланди. Кейин Жуликҳанинг нафрат тўла юзига боқиб, умрида бундай ўткир ҳазилни эшитмагандек жилмайди. Фақат подшоҳ қизигина бундай ҳазил қилиши мумкин. Далия Жуликҳанинг бир оғиз гап-сўзсиз, сабабини ҳам айтмай, юракка ханжар уришидан рожанинг нақадар ҳайрон қолишини кўз олдига келтириб, қаттиқ қаҳ-қаҳ кулиб юборди.

### V

Эртасига Раҳмат Алидан Жуликҳага яширин мактуб келди. Бунда ёш рожа қайси бир йўл билан опа-сингил маликаларни топгани, бир иложини қилиб Оминани кўргани ва севиб қолгани, ҳозир саройда рожа билан Оминанинг тўйига тайёргарлик бўлаётгани хабар қилинган эди... "Ўч олиш учун бундан қулайроқ тасодиф бўлмаса керак", – деб ёзган эди Раҳмат Али.

Шунда Жуликҳа синглисининг қўлини маҳкам қисиб:

– Худонинг иродаси аниқ. Омина, сен ўз бурчингни бажаришинг керак, энди эрмак вақтимас.

Далия келганда, Омина разм солиб, унинг ғалати табассум қилаётганини кўрди.

– Биласанми, – деди қиз унинг кулгисидан озор топиб, – мен рожанинг хотини бўляпман.

– Бу узоққа бормайди, – деди йигит жилмайиб.

"Бу чиндан ҳам ўрмон кийиги, – деб ўйлади ўксинган ва ҳайратда қолган Омина, – мен жинни бўлмасам, унга одамчасига гапирамanми".

Далияга масаланинг моҳиятини англатмоқ учун қиз секин гап бошлади:

– Агар мен рожани ўлдирсам, қайтиб келолмайман.

– Албатта, қайтиш қийин, – хайрихоҳлик билан жавоб берди йигит.

Оминанинг юраги пора-пора бўлиб кетгандай туюлди. Қиз чуқур нафас олиб, Жуликҳага қаради:

– Опа, мен тайёрман, – деди ва сўнгра, ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб, Далияга мурожаат қилди: – Рожага хотин бўлганимдан сўнг биринчи ишим унга суиқасд ҳозирлашда шерик бўлганинг учун сенга жазо бериш бўлади, ундан кейин ўз бурчимни бажараман.

Далия Оминанинг сўзини эшитиб, бу билан қиз унга қандайдир жуда қиммат бир нарсани ваъда қилгандай севиниб кетди.

### VI

Мана, балиқчи кулбасининг эшиклари тантанали равишда очиладиган пайт ҳам келди. Кичик уй мусиқа садолари, байроқларнинг шитирлаши, отлар, филлар ва пиёдаларнинг қадам ташлашидан ларзага келди. Шоҳ саройидан олтин билан зийнатланган икки тахтиравон олиб келдилар. Омина Жуликҳанинг қўлидан ханжарни олиб, унинг дандон дастасига узоқ қараб қолди. Сўнгра ханжарни қўйнига яширди. Ханжар худди ўз қинига солингандай унинг кўйлак бурмалари орасига бекинди-ю, совуқ пўлат тиғи қизнинг баданини куйдиргандай туюлди. Қизнинг бирдан-бир хоҳиши бу таҳликали сафар олдида Далияни яна бир кўриш эди. Аммо у кечадан бери ғойиб бўлиб кетди. Кеча истеҳзо қилиб кулган Далиянинг ғурури туғён урмадимикан қиздан? Тахтиравонга ўтиришдан олдин Омина, кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда, ёшлигида бошпана бўлган уйга, дарахтга ва уй ёнидаги дарёга назар солди. У балиқчи чолнинг қўлидан ушлаб, йиғидан қалтираб, кўксидан узилиб чиққан овоз билан:

– Бобо, мана энди мен кетаман, Тинни кетади, сизга ким овқат пишираркан? – деди. – Бобо, агар Далия келса, манави узукни, Тинни кетаётганда сенга қолдириб кетганди, деб бериб қўйинг, – сўнгра Омина дарҳол тахтиравонга кирди.

Дабдабали юриш бошланди. Дарё қирғоғи бўшаб, Оминанинг уйи билан кайла дарахтини зулмат қоплаб олди. Ниҳоят, улуғвор юриш катта дарвоза орқали саройнинг ичкари ҳовлисига кирди. Опа-сингиллар тахтиравондан тушдилар. Оминанинг чеҳраси жиддий, кўзлари қуруқ зди. Жуликҳа эса қордек оқариб кетган. Қасос соати узоқ бўлган чоғда бурчини адо этиш истаги зўр эди. Ҳозир эса унинг юраги қалтираб, севикли синглисини маҳкам қучоқлади. "Мен илк муҳаббатнинг биринчи новдасидан юлиб олинган гулни қонга ботириш учун боряпман", – деб ўйларди Жуликҳа. Бироқ ўйлаб ўтиришнинг вақти эмасди. Янгаларнинг йўлбошчилигида опа-сингил, гўё тушдагидек, юз минглаб порлаб турган чироқлар ёруғида юриб борарди. Ниҳоят, никоҳ хонаси олдида бир онга тўхтаб, Омина:

– Опа! – деди.

Жуликҳа уни маҳкам қучоқлаб ўпди. Сўнгра иккала қиз оҳиста хонага кирдилар. Никоҳ хонасининг ўртасида, жасмин гулнинг хуш ҳидлари анқиб турган каравотда, шоҳона либос кийиб рожа ўтирарди. Омина қатъиятсизлик билан эшик олдида тайсаллаб қолди. Жуликҳа яқинроққа бориб, рожанинг секин ва маъноли кулимсираб турганини кўрди.

– Далия! – деб қичқирди бирдан Жуликҳа.

Омина хушдан кетиб йиқилди. Далия сакраб ўрнидан турди-да, Оминани оҳиста кўтариб, худди ўқ теккан қушдай элтиб каравотга ётқизди. Қиз ўзига келди-да, ханжарни чиқариб опасига қаради. Жуликҳа Далияга қаради, йигит эса жилмайиб, сўзсиз уларга боқарди. Қиндан чиққан ханжарнинг пўлат тиғи ялтираб, кулгандай туюларди.



**Ҳиндчадан**
**Амир ФАЙЗУЛЛА**
**таржимаси**

# Сен деб севар эдим ҳамма нарсани

* * *

Биз Зевснинг айирган вужудларимиз,
Шунданми,
оқади жон сенинг томон.
Айланиб кетайлик бир-биримизга,
табаррук қўлларинг қўлларимга қўй,
юзимга юзинг бос,
мен ҳам кўзингда –
кел малак,
қоришиб кетай беомон...

Исмсиз йўлларми уйингга элтар,
менсизми кўнгилнинг хоналари бўш?
Деразамдан баргин тўкади бир гул,
кел малак,
куз бизга айтмай хайр-хўш...

Бу ҳаётми, ёҳуд ўлимми, билмам,
ичимда тиконлар, кўзларимда сел.
Сенинг юзларингда қақшар табассум.
Бегона тутмагин асло ўзингга,
яхшиси,
унутгин долғаларда кел...

Қанча йиллар чекдим ахир минг азоб,
қисматми, манглайга зорларни ёзган?
– Сенинг қўлларингдан еган ҳар мевам –
"Борлиғим қотили",
балки, шу учун,
Ўлимни кўксимга босганим-босган...

* * *

Сени севган эдим,
гулханлар ичра,
Қақнусга айланиб вужуду ичим.
Сен жарлар қошида хор бўлган тупроқ –
Энди эса мени ҳар дамгидан кўп,
англай бошлайдирсан,
гўзал азизим...

Қоришиб кетсак гар, бизлар – тупроқ, сув,
нур ташир йўлларга йўлбошчимиз моҳ.
Жисмимизнинг сўнгги битими – ўлим,
қилич яширинган нигоҳимизда,
минг ханжар кўнгилда топгандир паноҳ.

Унутилмас сира соғинчинг заҳри,
оқшом талпинади ҳаста кўксимга.
Оқиб тушганидек биллур кўзлари,
жароҳатланган каби бир гўзал оҳу –
ёдингда ёдим бор,
гулим, ўксима...

Аминман, бизларни бирлаштирган ишқ,
сендан яралганман, ўзим сен учун.
Осмондай кўнгиллар билан кўнглингни –
қанча тўлдирмагин қалбинг кенглигин,
менсиз тўлмагай ҳеч барибир, тушун...

* * *

Келсайдинг...
Муштоқ таним бўлар –
бир гўзал эшик...
Онасиз болалар мусиқа чалар,
Фестивал майдони бўларди ичим.
Юрагим сен учун бўлсин бошпана,
Ёлғизлик ва бошқа ҳамма нарсадан
Асрамоқ учун.

Қўлларинг-чун қўлларингни севардим жуда,
Нигоҳларинг учун нигоҳингни ҳам.
Сен деб севар эдим ҳамма нарсани
Сени севгандан бери
Ўзимни ҳам севаман беҳад...

Эсла, бир мушукни қўлимизда
қилдик парвариш,
Ўтган ермиздан унар эди гул.
Осмонга очардик деразаларни,
Келсайдинг, бунчалар сўниб қолмасдим.
Бундай тўкилмасдим йўқликдан ичкари,
Қишлоғим, шаҳрим, юртим,
дея сени қучардим.

Ҳарфлар оғзимдан тўкилар эди паришон,
Шеърлар ёзишимдан қолмасди маъни.
"Келсанг" деб жумлалар қурмасдим такрор –

Келсайдинг...



**Октай ЙИВЛИ**

*1964 йилнинг 1 январида Туркиянинг Милас шаҳрида туғилган. Истанбул университетининг Турк тили ва Адабиёти факултетини тамомлаган.*

*"Покиза туш", "Яшамоқ энг эски одат", "Оқшом ва Ўлим", "Ишқ – тушларнинг ҳақиқати", "Туннинг ўхшаш шаҳарлари" номли шеър китоблари чоп қилинган.*

## ТУН ВА ЎЛИМ

Эй тун
Ўликларимизни келтир бизга
Кўриб ва эшитиб
Машқ қилайлик
Ўлимни биз ҳам...

Ўлмоқ бир санъатдир, зеро,
Бошқалар каби
Тақлид керак бўлади олдин...

"Ҳар ўлим эрта ўлимдир"
Дебди биздан аввал ўлган шоир
Бунга яна нимадир қўшиш лозим.
Ҳар ўлим янги ўлимдир –
Олдингисига ўхшамас.

Қандай ўлим топилишини билмаслик
Энг кўп қўрқитаркан инсонни.
Ва топмоқ учун ҳақиқий йўлни –
Вакил этилади ўлим ҳар кеча.

Аслида ҳаёт ҳам
бир ўлим ҳолатидир
Сабаби охирги кунлар эсланар,
бу бир овоз жаранглар атрофда:
– Ўлик ўлди!

## ЧОРЛОВ

Хаёлимга келсанг ногоҳ чорласам,
Ҳасратим орттирар мустар майсалар.
Қўлларинг қўлимни куйдирган каби,
Тупроқни аямай куйдиради май.

Узоқдан гўдакнинг келар садоси,
Яқинимдан учиб ўтади қушча.
Қароғингга ўхшар қароғи.

Мен мудом чопаман қушлар ортидан,
Мен мудом сен билган шаҳардаман,
Келмагунингча.

## ОТИ ҚИРМИЗИ

Билмайман, хаёлми, ҳақиқат...
Орзум дудоқлари, шоҳона кўзлар
Боққан ери бошдан сўнгигача нур...
Оқ нилуфар каби очилиб қўллар,
Устимга ёпилур.
Ёпилур...
Бир дилкаш қўшиқдай чорлар овози,
Бу бемисил бурун ва ол яноқлар.
Ҳар недан хабарсиз вужуди аро
Кўтарилган туман ўзига тортар.
Сочи, бўйни, кўкси...
Тақдири азал,
Қаерга тушмасин оловли кўзи
Бир узун ёнғинга айланар.
Отаси иштиёқ, Оти Қирмизи.

**Турк тилидан**
**Дилором ЭРГАШЕВА таржимаси**



**Александр КУПРИН (1870-1938),**
**рус ёзувчиси**




Россиянинг ўрта минтақаларидаги нам ботқоқликларда фақат тунда очиладиган ажойиб гул бўлиб, кеч кирганда ёқимли, муаттар ҳид таратади. Агар уни узиб олиб сувга солиб қўйилса, эрталаб нохуш ва бадбўй ис чиқаради. Дидсиз дала-ҳовли эгалари ва зиёли меҳмонлар уни тунги бинафша деб атаганлар. Қишлоқ деҳқонлари ҳам унга турлича ном берганлар, лекин улар ёдимдан кўтарилгани сабаб мен ҳам уни тунги бинафша деб атайқоламан. Ундан доривор ўсимлик сифатида фойдаланишмаган, ҳатто байрам ва тўйларда безак ўрнида ҳам ишлатилмаган. Уни ёқтиришмагани учун ҳар доим эътибордан четда қолиб келган. Бу хушбўй гулнинг от ўғриларию жодугар ва афсунгарларга алоқаси бор, дейдиганлар ҳам у ер-бу ерда учраб қолади. Саратовлик ва царицинолик танобчи, ақл-ҳуши жойида бўлган қадрдон дўстим Максим Ильич Трапезников ана шу тунги бинафша ҳақида ақл бовар қилмайдиган бир ҳикояни айтиб берди.

Ўшанда биз Волгада юқорига қараб пароходда сузиб борардик. Тунги бинафша ҳақидаги суҳбатимизга етти-саккиз ёшлардаги қувноқ бир қизча сабабчи бўлди. У чаққонлик билан шу гулдан кичик-кичик гулдасталар ясаб сотарди.

– Сиз ҳақсиз,– деди у, – халқ бу гулни нима деб аташини ҳеч ким билмасаям керак ёки бунинг нима деб аталишини тез эсдан чиқариб юборишганмикин? Бинафша рангига келсак, бу рангни рус халқи унчалик билмайди, тилгаям олмайди. Напармон ранги настаринни эслатгани учун билишади, ўшанда ҳам настарин ранги деб аташмайди, бахмал ранги дейишади. "Тунги бинафша" атамасини саводи ғовлаб кетганлар ўйлаб топган бўлсалар керак. Нима сабабдан бу атама руслар ичида кенг ёйилиб кетганини, ростини айтсам, англаб етмадим.

Эшитинг, ҳозир мен сизга бу гул ҳақида ажойиб бир ҳикоя айтиб бераман. Агар бирорта бегона одамдан эшитганимда ишонмасдим. "Ёлғон гапириб бошимни қотирма, оғайни", деган бўлардим. Гап шундаки, бу воқеаларга мен ўзим бевосита гувоҳ ва иштирокчи бўлганман, аянчли жафо чекканман, десам ҳам бўлаверади. Хуллас, Москва геодезия институтини муваффақиятли битиргач, биринчи тоифали ер ўлчовчи-муҳандис деган қизил диплом ва зарҳал гербли фуражкага эга бўлдим. Тез орада ўзим туғилиб ўсган Царицинога, ота-онам олдига жўнадим. У ерда отамнинг умр бўйи ишлаб орттирган уч юз ботмонча ери бўлиб, ёғочдан ишланган бир ярим қаватли уй қурган, олди – гулзор, атрофи боғ, резаворлар етиштириладиган полиз. Отам у ерда умр бўйи ер ўлчовчи бўлиб ишлаган, яқиндагина губернага кўтарилганди. Отам ўз хизматини анча йиллар муқаддам, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида, крепостной ҳуқуқ эндигина бекор бўлган даврларда бошлаган.

– Худонинг меҳрибонлигини қара-я, – деди онам, – энди отанг бемалол оёқ-қўлини узатиб уйида дам олса ҳам бўлади, отанг ишини ўз қўлингга оласан, давом эттирасан, ўз аравангни ўзинг тортасан. Биз эса ҳозирча сенга тагли-тугли, яхши, бой оиладан келин қидирамиз. Волга ортида бунақалар кўп: ақлли, чиройли, ишчан, сеплариям яхши.

Шу пайт отам унинг шаштини қайтарди:

– Шошма, онаси. Шошган – йўлдан адашган. Ўғлимизни уйланишига ҳали вақт бор. Эндигина йигирмага кирди. Пойтахтнинг диққинафас иқлимидан кейин бу ердаги тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсин, қуш, балиқ овласин, таниш-билиш орттирсин, кейин у ёғи бир гап бўлар. Ажойиб милтиғимни сенга эсдалик учун совға қиламан, ўғлим. Мен энди овга ярамай қолдим. Кўп гапирсам ҳам чакагим оғрийди.

Шуни айтишим керакки, шаҳар ҳаётидан сўнг бу ерларда ов қилишга берилиб кетдим. Кашандага ўхшаб шусиз туролмайдиган бўлиб қолдим. Кунларимни ов қилиб ўтказардим. Доимий ҳамроҳим, устозим десам ҳам бўлаверади, ветеринар Иванов ("и"ни чўзиб талаффуз қилди) эди. У овга жуда иштиёқманд, толмас, тажрибали бўлиб, ўқни милтиққа усталик билан жойларди. Хизматкоримиз Агата онамнинг ўнг қўли эди. Қизиқ, Агатани ўн йилдан бери билардим (унинг асл исми Агафья бўлиб, ёқимли эшитилсин деб онам уни Агата деб атарди), кузда таътилга келганларимда доим кўриб юрардим, Москвага қайтгач, унинг юзини, овозини, қадди-қоматини эслай олмасдим. У камсуқум, босиқ, саранжом-саришта, рангпар, кўзларида илғаб бўлмас ғайриоддий ифода акс этарди. Мана энди сўзлаб берадиган ҳикоямга яқинлашдик. Бир маҳал Иванов билан лойхўракларни овлаб юриб уйдан анча узоқлашиб кетибмиз. Тажрибали шеригим ҳам атрофга аланглаб ҳайрон бўлди. Шу пайт манглайбет томонда узоқдан ёғоч қозиқларни кўриб қолдик.

– Назаримда, бу ерларни билгандекман. Манави уйча тошқинда сув остида қолмаслиги учун қозиқлар устига ўрнатилган, ҳозир у эскириб кетган, кекса лўли хотин яшайди, дейишади. Хотинларнинг гапига қараганда, у жодугармиш. Биз ўқимишли зиёлилардан бўлганимиз учун бу гапларга ишонмаймиз, лекин бориб кўрайлик-чи. Ўзимизнинг чойимиз бор, ҳеч бўлмаганда, қайноқ сув берар. Ботқокда роса ивидик, иссиқ чой зўр кетади, чарчоқни олади.

Уйча томон юрдик. Келдик. Ҳақиқатан ҳам хароб кулба экан. Қорайиб кетган, қоқ суяги қолган бурундор кампир яшаркан, кўриниши худди лўли. Олов ёқиб мис тоғорачада сув қайнатди. Чой дамладик, ичдик, кампирни ҳам сийладик. Кампир менга қараб туриб:

– Тўрам, қўлингни бер, фол очиб қўяй,– деди.

– Ҳайда бу бадбахтни, жин урсин,– тўнғиллади Иванов.

Кампир қўлимни ушлаб олди-да, жаврай кетди:

– Эҳ, тўрам: ёшсан, гўзалсан, бахтли ва бой бўласан. Чап ёнингда қоп-қора бир одам турипти, сенга ёвузлик қилиш ниятида, лекин ундан қўрқма. Ёшгина, чиройликкина бир қиз сендан кўзини узмаяпти. Узоқ яшайсан, саксон ёшдан ҳам ўтасан... Энг муҳими, навқирон тўрам, от ва мушук кўзларидан эҳтиёт бўл, шунингдек, муаттар ҳидли тунги ўсимликлардан, айниқса, ой тўлган тундан. Энди сенга оқ йўл бўлсин. Агар мен айтган шу уч балодан хасталаниб қолсанг, кулбамга кел, сенга ўткир қайтариқ қилиб бераман.

Эртасига эрталаб ёмғир бошланиб, узоқ муддатга чўзилиб кетди. Овни қолдиришга тўғри келди: кундузлари китоб ўқиш билан машғул бўлдим, кечқурунлари ё клубга бориб, ё уйда карта ўйнаб вақт ўтказдик. Ўзим ҳам эслолмайман: қачон Агатанинг кўзлари мени ниҳоят даражада ҳайратга солди? Назаримда, стол атрофида ўтирганимизда. Тасодифан Агатага қараб, кўзларига тикилдим: кўз қорачиқлари ажойиб тарзда ёниб товланарди. У бошини қаёққа бурса, қорачиқлари ўзгариб, гоҳ яшил, гоҳ қизил, гоҳ мовий, зангори, гоҳ бинафша рангига кирарди. Кўз рангининг бундай жилоланишини баъзан бино ичида, қоронғиликда от ва мушукларда кузатганман. Шу пайтдан Агатани худди биринчи марта кўргандек бўлдим. Бирдан у менга бошқача кўриниб кетди: бўй-басти, келишган қадди-қомати, хатти-ҳаракатларидаги ишонч мени лол қолдирди. Ёшини аниқлаёлмадим. Ўттизми? Ўттиз бешми? Қирқми? Остки лаби ўқтин-ўқтин учиб турарди. У ҳеч қачон кулмас, табассум қилмас, лекин хурсанд ва дилкаш пайтларида бирдан юзида жозибадор илиқлик пайдо бўларди.

Бир куни онамдан Агатанинг ўтмиши ҳақида сўраб қолдим, аммо бирор-бир қониқарли жавоб ололмадим.

– Агата ичкиликка ружу қўйган, камбағаллашган зодагоннинг хизматкоридан никоҳсиз туғилган: ғирт етим, биз унга мурувват кўрсатиб, боқиб олдик. Болалигидан хўжалик ишларига ўргатдик, дастлаб бошланғич, кейинчалик ўрта мактабда ўқитдик. Ёмонмас, унга кўрсатилган мурувватдан миннатдор бўлиб, итоатли ва зийрак қиз бўлиб ўсди. Кейинроқ ўн бир ёшларида қаёққадир гумдон бўлди, изиниям кўрсатмади. Бир йилдан сўнг қайтиб келди. Маълум бўлишича, лўлилар билан дайдиб юрган экан. Тўлиб-тошиб, йиғлаб қайтиб келди. Вақт ўтди. Агатага қараб кўзимиз тўймасди, мақтовга сўз йўқ, хонадонимизда бир хилқат улғаймоқда, ҳам чевар, ҳам пазанда, художўй, ювош, ақлли, тежамли ва қувноқ... Бир куни дастурхон атрофида ўтириб Агатани тушликка чақирдик. Худди сувга тушган мушукдек кириб келди: боши қуйи солинган, кўзи ерга қадалган. "Нима бўлди сенга?" Эшитилар-эшитилмас жавоб берди: "Менинг мурувватли халоскорим, ижозат берсанглар, Белогор черковида сочимни қирқтириб, роҳибаликка ўтсам". "Эй Худойим, ажойиб гап-ку!" Бор кучимизни ишга солиб, бу йўлдан уни қайтармоқчи бўлдик. Йўқ, деб туриб олди, эрталаб кийим-кечакларини йиғиштириб рўмолга тугди-да, ғойиб бўлди.

Шундан сўнг неча йил ўтгани онамнинг ёдида йўқ: етти йилми, саккиз йилми, яна Агата уйимизда пайдо бўлди. Тиз чўкиб кечирим сўради: "Мен бадбахт, адашган бандани охирги марта кечиринглар. Фариштадек чексиз мурувватингиз ҳаққи, илтижо қиламан. Худо ва муқаддас Инжил олдида қасам ичаман, бу охиргиси. Шу бугундан бошлаб сизгаям, хонадонингизгаям, авлодларингизгаям содиқ қул бўлай..." Шу пайтдан бошлаб тинчгина, итоатгўйлик ва одоб билан, худди роҳибалардек, хонадонимизда яшаб келади. Ундан худди черковдагидек шам ва хушбўй мой ҳиди анқиб, осойишталик уфуриб туради. Тез орада гўё хонадонимиздаги эски бир буюм каби Агатага эътибор бермай қўйдим. Узун-узун киприклари остидан гоҳо чарақлаб турган кўзлари ҳам мени қизиқтирмас ва безовта қилмасди. Ўша пайтларда ота-онамнинг қистови билан уйланиш тараддудига тушиб қолгандим ва муносиб келин қидирардик. Таомилимизга кўра, орзу қилса, арзийдиган куёв эдим: ёш, соғлом, қадди-қоматим жойида, ўқимишлиман. Қолаверса, отамнинг мол-мулки ҳам кўзга кўринарли эди. Чиройли ва бой-бадавлат қизлардан кўз остига олиб қўйганларим ҳам бор эди. Мана шу ерда бошимга иблис бахтсизлик ёғдирди... Қайси йили содир бўлгани ҳозир ёдимда йўқ, лекин июнь ойининг охирги жума куни бўлгани эсимда. Ўша куни бизнинг Волга ортида камдан-кам учрайдиган, чидаб бўлмас даражада жазирама иссиқ бўлди, фақат ярим кечага яқинлашганда бемалол нафас олса бўларди. Чўмилиб олиб овқатландим ва анчагина қаровсиз бўлиб қолган, бироз салқин боғимизга чиқдим. Қоронғилик қуюқлашиб борарди. Кумушдек нурларини таратиб дум-думалоқ тўлин ой ҳам чиқди. Боғ сеҳрли нурга чулғанди. Кимнидир енгил оёқ товуши эшитилди. Бошдан-оёқ оч-яшил нур таратиб Агата келарди.

– Ёнингизга ўтиришга ижозат беринг, Максим Ильич, – дея титроқ овозда мурожаат қилди у.

– Марҳамат, ўтиринг. Қаранг, қанчалар ажойиб оқшом.

– Ҳа, жуда ажойиб, латофатли кеча,– деди у. – Гулдаста териб келдим. Сизга, олинг, хушбўй.

Гулдастани оларканман, лаззатлантирувчи, тўлқинлантирувчи, интиқ муаттар ҳид билан бирга тиззамда унинг қайноқ кафтлари ҳароратини сездим. Аъзои баданимни – оёғим учидан сочимнинг толасигача аллақандай енгиб бўлмас жўшқин бир истак қамраб олди – бундай ҳиссиётни илгари ҳеч қачон бошдан кечирмагандим. Бутун вужудим титрар, у бўлса оташ нафасларини юзимга уфуриб, секин гапирарди.

– Агар билсангиз эди, Максим Ильич, оилангизга қанчалик боғланиб қолганимни! Барчангизни яхши кўраман! Отангизниям, онангизниям, сизниям. Ҳа, севаман! Севаман! Севаман. Оҳ, Максим Ильич, умрбод сизнинг қулингиз, итингиз, оёғингиз остида поёндозингиз бўлишни истардим! Ҳаддан ташқари сизни севаман! Сиз учун жонимниям беришга тайёрман! Сизнинг соғлиғингиз ёки ҳузур-ҳаловатингиз учун ҳеч нарсани аямайман, жониминиям, борлиғимниям! Жоним сизга садаға! Кўп йиллардан бери амалга ошмай юрган ягона орзум бор – лабларингиздан муччи олиш – кейин ўлсам ҳам розиман...

Хонамга тонготарда қайтдим. Оёқларим чалишар, бошим ғувиллар, мушакларим зирқираб, қўлларим титрар, юзим эса лов-лов ёнарди.

Онам кириб келиб сўради:

– Сенга нима бўлди, Максим, жуда бошқачасан?

– Бу иссиқдан, кундузи роса жазирама бўлди, – дедим.

– Йўқ, офтоб урганмас. Тўлин ой таъсири бу, бор, кўрпангга кир. Ухлаб турсанг, ўтиб кетади.

Мен ётдим. Тунда олдимга Агата кирди, тонгга яқин яширинча унинг олдига, болохонага чиқдим. Шу тариқа доимо ҳар куни, ҳар тунда, ҳар соатда кўришадиган бўлдик. Ҳар иккимиз телбаларча шод-хуррам эдик, севгимиздан бошқа нарса тўғрисида ўйламасдик. Атрофимиздаги барча бутазорлар, омборхоналар, отхонаю ертўлалар, қурилаётган хоначалар – севгимиз учун бошпана бўларди. Агата очилгандан очилиб яшнар, мен эса тинимсиз ҳалокат сари қадам ташлардим. Тинка-мадорим қуриб қоқ суяк бўлиб қолдим, юрганда оёқларим қалтирайдиган бўлди. Иштаҳам йўқолди, хотирам шу даражада сусайиб кетдики, нафақат ўқиб-ўрганганларим, ўқитувчи ва ўртоқларимнигина эмас, балки ота-онамнинг исмларини ҳам унута бошладим. Мен фақат севгини, севгилим сиймосинигина ёдда сақлардим. Қизиқ, сурбетларча эҳтиросли, умидсиз, лекин оромбахш севгимизни уйдагилардан ҳеч ким билмасди. Балки оташин севишганларни қўриқловчи фариштаси бордир? Лекин иблиснинг тузоғига илинганимни онам аллақачон сезган экан. Ҳаво алмаштириб, сайр-томоша қилиб Москвага бориб келишим учун онам отамни кўндирди. Ўша пайтда Москвада катта кўргазма очилганди. Ота-онамнинг ғамхўрлигини рад қилолмадим, шаштини қайтаргим келмади. Москвага жўнаб кетдим. Аммо Нижний Новгородга етганда Агатага бўлган интиқлигим, қаттиқ соғинч мени қамраб олди. Оёғимни қўлимга олиб дуч келган биринчи поезддаёқ уйга қайтдим. Ота-онамга ёлғон гапирдим – тутуриқсиз, телба-тескари баҳоналар қилдим. Ўз уйимда яккамохов бўлиб қолдим. Ор-номус ва виждон азоби ич-этимни кемирарди. Бир неча марта ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим, аммо ота-онамга раҳмим келди. Ҳаммасидан кўра Агатага кўнглим суст кетгани мени ҳаётга қайтарди. Ана шунда фидойи онам мени шармандаларча боғлаб ташлаган сеҳр-жодуни ечишга бел боғлади. Дастлаб мен билан доимо овга чиққан молдўхтир Ивановни тергай бошлади. У астойдил ёрдам беришга киришди. Лўли кампирнинг ҳузурига кирганимиз, у келажагим ҳақида фол очгани, нимадан эҳтиёт бўлишим, қўрқишим кераклиги ҳақида айтганларини ва шу балоларга дуч келганимда қайтариқ қилиб бериши ҳақида оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Шундан сўнг онам лўли кампирга бориб узоқ суҳбатлашди. Кетаётиб чоракта юзталикни берган экан, у олмапти. "Мен Худо йўлида ёрдам бераман, пул олмайман", депти. Охири онам катта черковдаги муқаддас руҳоний отахон Гавриилга борипти. У йўл-йўриқ кўрсатиб, оқ фотиҳа берипти. Жаброил алайҳиссалом куни етиб келди. Онам уйда худойи ўтказди. Оила аъзолари, шу жумладан, Агата ҳам, залда тўпландик. Онам менга нима қилишим ва нима дейишимни ўргатди. Маросим лозим даражада ўтди. Руҳонийлар чиқиб кетишди. Шундан сўнг онам Агатага қарата мулойимлик ва босиқлик билан жиддий тарзда деди:

– Азизам Агата, мана, неча йиллардан бери оиламизнинг энг яқин дўстисан, доимо ёрдамчим бўлиб келдинг, меҳнатингни аямадинг, сабр-қаноат билан яшадинг. Ўйлаб кўрсам, хонадонимизга ёрдамчи бўлиб яшаб келганинг етар, энди бу ёғига ўзинг мустақил бўлиб, ўз уйингда ўз хўжалигингни юритиб яшаш вақти етди, деган хулосага келдик. Мана сенга, катта бўлмасаям, етарли даражадаги бир парча ерга эгалик қилиш васиқаси солинган ҳамён – бу эримдан, мендан эса йигирма бош товуқ, ғоз, ўрдак, курка. Ўғлим Максимдан зарур уй жиҳозлари ва эсдалик учун Мозер тайёрлаган тилла соат оласан. Ўғлим, уларни Агатага топшир.

Соатни бердим ва сўнги марта Агатага нигоҳ ташлаб ҳайрлашдим, унинг ранги ўчиб кетди. Шундан сўнг онам дам солинган муқаддас чилла сувини шу ерда ҳозир бўлганларга сепиб чиқди ва айни дақиқаларда Парвардигор ҳамд-санолар ўқиди: "Эй Раббим, гуноҳларимизни ўзинг ярлақагин, қалбларимиздаги қаҳр-ғазабдан фориғ эт, мусибатларимизга малҳам бер..." Ҳаммаси тамом бўлди. Агата совға қилинган пул ва буюмлардан бирортасини ҳам олмасдан, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, шу туннинг ўзида уйдан ғойиб бўлди. У абадий изсиз йўқолди. Онам уни ёдга олиб, гуноҳкор банда Агафьяни азоб-уқубат ва дардларидан халос қилишни сўраб, ўз ибодатларида Худога доимо илтижо қилади.

**Рус тилидан Абдунаби АБДУЛҚОДИРОВ таржимаси**

Kitob dunyosi
№ 10 (324) 2020 йил 17 июнь



**Николай Ильин – шоир, адабиётшунос, таржимон. Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети)нинг филология факультетини тамомлаган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети рус адабиёти кафедрасида доцент, “Шарқ юлдузи-Звезда Востока” журналлари таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари, “Тил ва адабиёт таълими” илмий-методик журнали муҳаррири бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, уюшманинг халқаро алоқалар ва таржима бўлими етакчи ходими. Педагогика фанлари номзоди, ўзбек ва рус адабиёти ҳамда уларни ўқитиш методикаси бўйича кўплаб адабий-танқидий мақолалар муаллифи.**

**Еттита шеърий тўплами чоп этилган. Унинг шеърлари Ўзбекистон, Россия, Латвия, Қозоғистон, Озарбойжон, Германия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи нашрлари ва адабий альманахларида эълон қилинган.**

**Николай Ильин ўзбек тилидан рус тилига кўплаб асарларни таржима қилган. Хусусан, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, Фарида Афрўз, Гўзал Бегим ижодларидан намуналарнинг рус тилига ўгирилишидаги хизматлари катта. Шоир “Ватан учун яшайлик” (Ўзбекистон, 2011) мукофоти совриндори, “Антиклик саҳифаси” халқаро танлови лауреати саналади.**



# Мен ҳам шамол каби туғилдим озод

## АТИРГУЛ ВА ШАМОЛ

Мен сени, шамол атиргулни севгандек севдим,
Маст қилар таратган чоғида ифор.
У эса, қизғанчиқ атиргул эди –
Ақлсиз шамолда йўқ эди ғубор.

Атиргул ишқида боғ яна кўркам,
Зулумот қалбига тўлади сукут.
Шунчаки, шамоллар кўринар улкан,
Шамолсиз атиргул – кун кўрмаган тун.

Мен ҳам шамол каби туғилдим озод,
Аммо юрагимга кишандир гулбарг.
Шабнам кўз ёшимдан қўрқма, атиргул,
Шабнам кўз ёшимдан қўрқмагин, гулим...
Ғунчангни ёзавер менинг кафтимда.

* * *

Болаликнинг ҳар куни байрам,
Ёш дўстларга содиқмиз бироқ.
Қон-қариндош-қўшничиликдан
Нима ҳам бор яна яхшироқ.

Шоху-шабба, япроқ – олтин нақш,
Ҳар бир уйда гуллар, қизил, оқ.
Сени севган шаҳар оромбахш,
Нима ҳам бор яна яхшироқ.

Табиатан қалбинг очиққалб,
Бунга азал тарихдир гувоҳ.
Сени севган бу қалбдан, ёраб,
Нима ҳам бор яна яхшироқ.

Болаликдан сўнмас бу зиё,
Яноқларда кумушранг титроқ.
Яхшиликни билади дунё –
Ҳатто, сендан кўра яхшироқ.

## ҚАСАМ

Ҳаёт тугамайди, сўнмайди қуёш,
Бош узра зулумот бирлашар замин.
Хотиранг ўчса ҳам бермайди бўйин
Кимдир юрагингни қилар бус-бутун.

Ёлғон қасам учун дўзаҳ муқаррар,
Сохта юрак учун исноддир борлиқ.
Шубҳасиз Аллоҳдан буюкмас қадар,
Дунёда сен каби бошқа аёл йўқ.

* * *

Йўқолади баҳор, тун – қора,
Ҳар қадамим – қисматга шерик.
Нур масжидлар шарпаси аро,
Тун ибодат қилаётгандек.

Кўринмасин мовийранг осмон,
Дунё тўла – зулмат косаси.
Қаердадир зулумот омон,
Ва нигоҳинг иссиқ нафаси.

Тонг. Масжиднинг минорасида,
Муаззинлар айтгувчи калом,
“Келинг намоз афзал уйқудан”
Унинг исми баҳордай равон.
Эшитилар товуш ёнма-ён,
Чиройидан қолманг бебаҳра.

* * *

Ҳаяжондан ҳатто қолмади асар,
Барча гумонлардан айлади холи.
У кириб келди-ю, келган заҳоти,
Бу дарвеш дилимнинг кулди иқболи.

Қуёш сибизғаси оҳангларида,
Кириб келди кундан бергандек товуш.
Руҳимнинг сеҳрли осмонларида –
Нигоҳлар порлайди. Тонг ётар беҳуш.

## ТОШКЕНТ

Мағрур ва серҳашам, улкан ва уйғун –
Сокин бир шаҳарни қиламан таъриф.
Мен қадим мусаввир сурати учун
Мўъжиза шаҳарни топдим ахтариб.

Серсоя бутоқлар, пойтахт шовқини –
Муқаддас шаҳардан юритаман сўз.
Бу ерда вақт қуруқ навдалар боши –
Йиртилган қоғозни қилади кўз-кўз.

Ёзнинг одамови кунлари ҳорғин,
Ойнадан боқаркан – тикилар сенга.
Абадий, ҳамда ёш... Узоқ ва яқин –
Дўстлар ва танишлар кирар кўнглингга.

Япроқлар сояси бир зум жим қолиб,
Ердан чиққан чечак қилганда ханда.
Сизга мадад берар шаҳар уйғониб,
Фотиҳасин олинг тун уйғонганда.

## САМАРҚАНД ТУНИ

Самарқанд. Мажмуа остида гумбаз,
Мадраса қошида ухлайди ўрик.
Минора устунга суяниб бир пас –
Кўк айвон четида ўтказар кўрик.

Боғ ва шаҳар узра тун тўзар шаффоф,
Бошингда сирғалар ёғду каби ой.
Самарқанд устида таратиб чирой,
Осмон гумбазларин санар ушбу тоб.

Лаҳзаларни санар маъсум чигиртка
Сўзсиз овозини чархлар бетоқат.
Минг йиллар яшаган қаноти узра –
Асрлар умиди яшайди фақат.

## ФАВВОРА

Марварид ёғдудан чизилган чечак,
Ҳушчақчақ гулларда байрам урар чарх.
Сувнинг ўртасида ўйнар камалак,
Сувнинг туҳфасини унутмайди Шарқ.

Осмон гумбазига чизилган ҳарир
Нозик санъат каби битмиш дурадгор.
Фаввора – ўйноқи сув каби қадим,
Ҳилпирар ва нафас олар телбавор.

* * *

Ақлга сиғмайди жуда кўп нарса,
Севги – умрбоқий, ҳаёт бўлса тинч.
Уларга ишонгум. Гар менга қолса...
Фақат тушунтириб беролмайман ҳеч.

Баъзан камлик қилар сенинг ишончинг,
Шафқатсиз разиллик, беҳаёлик гоҳ.
Борлигинг биламан. Бу-ку турган гап,
Уларга ишонгим келмайди бироқ.

## АНҲОР

Мудроқ босган кузги қасрлар аро,
Таниш кўчаларда кезаман танҳо.
Анҳорлар чўзилиб хаёл сурган чоғ,
Жилмайган одамлар ўтишар ногоҳ.

Бетўлқин, бевиқор кўтаришган қад,
Ёрқин ёғду каби юксалганча шаҳд.
Анҳор сузиб юрар шаҳар оралаб,
Оддийликдан ўрнак олади пойтахт.

Сокин қўшни бўлиб ҳиёбонларга,
Қирғоқларнинг қия ёнбағри бўйлаб,
Юрак уришига монанд тонгларга,
Ноаниқ сўзларни куйлаган ҳолда
Қўшилар болалик хотиралари.

Табиат қўйнида тиниб-тинчимай,
Давр ва йилларнинг давоми каби.
Анҳор кўксидаги сувга қарамай,
Тушларга айланиб пичирлар лаби.

Секин бурилади муюлишдан сув,
Кўприкнинг аксини силар охиста.
Кузнинг этагида кутиб турар у,
Дарахтнинг танини қоплайди ҳислар.

Бунда совуқ қотиб келади хазон,
Балки, ортга суриш мумкиндир Вақтни.
Чуқур-чуқур нафас олар ёнма-ён –
Анҳор хотирлайди ёзни, бахтини.

* * *

Япроқлар чирпираб тушади кўкдан,
Гўё хат юборар даракчи кузак.
Мудроқ тун яширин қўшиғин ўпган,
Юлдузлар тор чертар. Маҳзундир юрак.

Сокин ором олар япроқлар кафтда,
Йўргакка ўраниб жим олади тин.
Тунги ибодатга тиз чўкади Шарқ.
Тиловат қилади. Саждада замин.
Кўкдан хира боқиб турган ҳилолнинг,
Нури – ёғдусида ухлайди япроқ...

**Рус тилидан Хосият РУСТАМОВА таржималари**



# САЙЁҲ

Ҳикоя



**Улуғбек ҲАМДАМ**



Хорижга иш билан бордим. Ўта муҳим бир иш билан. Ҳаёт-мамот масаласига айланган иш билан, десам ҳам бўлаверади. Ахир, ҳаётда шундай ишлар бўлади-ку!.. Ўшандай бир иш билан. Буни ҳар ким ўзича билади, ўзича баҳолайди. Чунончи, ким учундир ҳаётнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи иш бошқа бировнинг энсасини қотириши мумкин. Лекин бу ёруғ оламда ҳамманинг ўзига яраша ўта муҳим бир иши бўлиши мумкинлигини кўпчилик қабул қилса керак, албатта. Зеро, киши ҳаётига ранг бергич бирон юмуши бўлмаса, тирикликнинг ҳам қизиғи қолмайди...

Хуллас, камина бориб тушган юрт нотаниш жой эди. Илк бора келиб тургандим бу ерга. Умуман олганда, атроф-муҳит танишдек, лекин, ёпирай, умумийликдан хусусийликка ўтишингиз ҳамона ҳаммаси бегона қиёфага киради-я! Одамларини айтмайсизми, одамларини: умрим бино бўлиб бундай турқу тароватга эга яратиқни кўрмаганман. Ёлғон бўлмасин, телевизору журналларда кўргандирман, аммо ҳаётдаги кўринишларига дуч келгач эса, ғалатилар бўлиб кетаркансан, киши. Устига устак, мана сенга дегандек, ҳаммаёқни шу хил одам босиб ётса!.. Энди мен уларнинг ёнларига боришим, гап қўшишим, керак бўлса, жилмайиб туриб илтимос қилишим, маслаҳат сўрашим, дардимни тушунтиришим лозим. Ҳатто кўпроғига уннашим, уларни ёқтириб қолишим ҳамда уларга ёқишим зарур. Йўқ, бу ҳатто шарт! Йўқса, ишим битмайди. Бу бегона оламни ўзимникига айлантириб, ўзим ҳам ўша оламнинг бир парчасига айланмагунимча мен бу ерга келмагандек, наинки бу ерга, умуман, дунёга келмагандек бўламан. Ана шунақа!.. Ҳозирча эса, ҳаммаси олдинда. Тажрибасиз одам учун ҳаммаси олдинда бўлади доим! Олдиндаги нарса эса, одатда, сирли туюлади...

Сирасини айтганда, камина бегона одамларни яхши кўрмаганидек, ёмон ҳам кўрмайди. Танимаган, билмаган одамингни қандай қилиб ёмон ё яхши кўришинг мумкин, ахир? Албатта, келишдан олдин бу юрт эгаларининг тилини ўргангандим.Тилларининг тамомила ўзгача лексик, грамматик ва график асосга эгалигидан машаққатлар чеккан, шунга қарамай, тил ўрганиш асносида бу юртга, унинг одамлари ва тилига, урфу одатларига бир қадар меҳрим ҳам тушиб улгурганди.

Шундай қилиб, самолётдан инар-инмас бегона юрт эгаларига қарата уларнинг забонида мурожаат қилгандим, улар ҳам менга жавоб қайтаришди-ей, биланиҳоя, зум ўтмай ўзаро чуғурлашиб кетсак бўладими. “Қандоқ яхши!” – ўйладим ичимда. Ахир, сен тамомила бошқа бир мамлакатдасан, атрофинг тамомила бошқа одамлар билан тўла. Боз устига, сен уларнинг тилида гаплашяпсан. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб, худди сеҳрли бир ўлкага келиб қолганлик ҳиссини уйғотаркан одамда!..

Мен аэропортдан мамлакат бошкентига қараб йўл олишим керак эди. Суриштирсам, орадаги масофа анча бор экан. Менга билгичлар ўз юртимда “Таксида эмас, автобусда, ҳа-ҳа, айнан автобусда борсанг, манзилинггача олиб бориб қўяди, йўқса, такси ҳайдовчиларининг фирибига қурбони бўласан-да, ярим йўлда қолиб кетасан”, дея тайинлашганди. Қулоғим остида қайта ва қайта жаранглаб кетди ўша сўзлар. Шундай қилиб, турнақатор автобуслар томон йўл олдим. Қарасам, ҳайдовчи автобуснинг ўртасида турволиб, йўловчиларга чипта сотаётган экан. Тавба, кондуктори қани бунинг? “Фалон жойга борадими автобус?” – дона-дона қилиб сўрадим. Ҳайдовчи менга бир қараб олди-да, нималардир дея ғудранди. Ўзи ҳайдовчининг тилни унинг ўзидек яхши билмайман. Тез гапирганидан нима деганини тушунмай қолдим. Сўзларни чертиб-чертиб айтса, асакаси кетармиди. Мени тушуниб қолишимни хоҳламаган одам каби сўзларни бир бирига шуваб сўзлади-эй. Йўқса, жуда анойилардан эмасдим. Тилни ўргангандим. Ҳатто анча-мунча қочиримларни ҳам фаҳмлаб оладиган сиёқим бориди. Лекин ўз она тилимни билгандек эмас, албатта. Шунинг учун ҳам ўзга тилда сўзларни бир-бирига қўшмай, алоҳида-алоҳида “йўргаклайман”: “Борадими манзилга?” Ҳайдовчи бу сафар истеҳзо билан қаради, шу қараш фонида тағин бир нималар деб олди. Мендек бир сайёҳга “Ҳа” ёки “Йўқ” деган жавоб керак эди. Буни ажнабий тилда қийналиб гапираётган сайёҳ билан бир бора кўришиб гаплашган ҳар қандай фаросатли одам тушуниб етади. Лекин манави тили бурронинг ақлига етиб бормаяпти бу! “Мен сайёҳман. Мамлакатингизни яхши билмайман. Фалон манзилга боришим керак. Шу автобус олиб борадими?!..” – билмайман нечанчидир марта саволимни такрорладим маҳмадона ҳайдовчига. У бўлса менга аниқ ва лўнда жавоб бериш ўрнига йўловчиларга қараб бир нималар дея бидирлади. Кейин менга юзланди: “Агар автобуснинг у ерга боришини билмасанг, нега чиқиб олдинг? Боришини биласанки, чиқдинг!”. Хайрият, унинг оғзидан автобус ва манзилни бир-бирига озгина бўлса ҳам боғлаши мумкин бўлган бир жумла чиқди! Мен шунга севиниб кетдим. Ишим жуда муҳим, вақтим эса шунча оз эди. Тавба, доим шунақа: ё униси, ё буниси кам бўлади. Худди инсон қисмати янглиғ. Ахир, ҳаётинг қанча маънодор бўлса, у шунча қисқа ҳам бўлади-да! Аксинча, у қанчалар маънисиз бўлса, аччиқ ичакдек чўзилиб кетаверади...

Ҳайдовчи чипталарни тарқатиб, пулини йиғиб бўлди, шекилли, одамларни оралаб бошқарув кабинасига ўтаркан, менга қараб яна истеҳзо билан деди: “Дуч келган автобусга чиқиб олсам бўлди, ўша жойга етволаман, дегансан-да! Чучварани хом санабсан...” “Тавба, – дейман ёқамни ушлаб, – бу тағин нимаси? Нега у ўзини бундай тутади? Нега менга бунақа сўзларни айтади? Арпасини хом ўрибманми? Бунинг арпаси қаерда ўзи, билмайман ҳам-ку! Етти ёт бегона одамлар бўлсак!..”

– Менга қаранг, Худо хайрингизни берсин! Тўғрисини айтинг, фақат тўғрисини! Жавобингиз жуда муҳим. У, билсангиз, мен учун ҳаёт-мамот масаласи. Менга, юртингизга келаётганимда: “Керакли манзилга автобуснинг бориш-бормаслигини фақат ҳайдовчи билади”, дейишган. Садақангиз кетай, айтинг, уловингиз мен айтган жойга борадими-йўқми? Бормаса, бундан тушиб, зудлик билан бошқа борадиган автобусга ўтирай. Йўқса, улгурмайман. Бу ерга, юртингизга келганимнинг маъносиям қолмайди. Умуман, бекорга келган бўламан. Балки умуман, умрим бекорга кетади, деганиямдир бу. Айтинг, ўша жойга борадими автобусингиз?..

– Боришини билмасанг, нега чиқдинг?

– Эй Оллоҳим!.. – додлаб юбораёздим. – Ҳой, тайини йўқ валақи-салақи! Шалдироқ араванг мен айтган манзилга борадими-йўқми? Айт шуни, йўқса, онангни нақ учқўрғондан кўрсатаман!!! – бақирдим мен. Жумла тугар-тугамас шунча бақир-чақирни ўз она тилимда қилганимни фаҳмлаб қолдим. Ноилож унинг тилига кўчдим. Аммо, не ёзиқки (балки не бахтки...), “Онангни учқўрғондан кўрсатаман”, деган сўкишни билмас эканман. Айнан эмас, албатта, муқобилини! Шундай алам қилиб кетдики! Чунки ҳайдовчидақа одамлар билан учрашаман деб сира ўйламаган эканман. Ўзга бир тилни билиш дегани ўша тил эгаси бўлган халқнинг ҳамма қатлами билан инсонликнинг борлиқ босқичларини, ҳолларини бирга яшаб ўтиш, шу босқич ва ҳолларни ифода қилгувчи олтин сўзларни эса беш қўлдек билиш дегани экан.

– Нима-а-а? – деди у мени мазах қилганнамо оҳангда.

Шунда тушуниб етдимки, ҳайдовчи билан ади-бади айтиб ўтиришнинг сира фойдаси йўқ. Ҳамма айб ўзимда, менда...

Шу чоғ автобус қўзғала бошлади. Мен нима қилай? Чиқайми, қолайми? Чиқиш хато бўлса, бу бутун умримнинг хато кетгани эди, қолиш хато бўлса, яна ўшандай натижа. Лекин мен ҳайдовчи жавобларининг мағзини чақолмадим. Қайси бири менинг тўғрим, қайсиси хатом – билмасдим. Бамисоли “Ё ҳаёт, ё мамот!” дея жангга кираётган жангчи эдим шу тобда. Муҳорабадан тирик чиқаманми ё ўлик, ғолиб бўламанми ё мағлуб, менга аён эмасди. Бир лаҳзада бутун умрим кўз олдимдан тасмадек ўта бошлади ва мен ғилдирай бошлаган автобусга бир сакраб чиқиб олдим. Нима бўлса бўлди – тўғриси ҳам, хатоси ҳам шу ҳаракатим – сакрашимнинг ичида жам эди. Ҳа, менинг эндиги тақдирим ана ўша битта одимга, автобусга қўйилган биргина қадамимга боғланиб қолганди...

Автобус тезлик олди. Мен ҳайдовчининг айтган жавобларини тинимсиз равишда миямда айлантира бошладим. Ҳар битта жумлани, ҳар бир сўзни, уларнинг қай тарзда айтилганини, оҳангини ақл пайпаслагичларим билан пайпаслаб текширишга киришгандим. Зеро, автобус менга керак бўлган манзилга борадими-йўқми, жавоб ҳайдовчининг айтганларида яширин эди. Фақат мен ўша жавобни унинг сўзларидан чиқариб ололмаётган эдим. Шунинг учун ҳам аниқ манзил томон шитоб билан кетаётган автобус ичида мен номаълумлик сари елиб борардим...



**Моҳидил АБДУЛЛАЕВА**

*1998 йил 20 апрелда Андижон вилоятида туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси. "Ғунча" республика болалар адабий-бадиий безакли журнали мухбири.*

## ҚЎРҚУВ

Тушларимнинг қулоғидан тортар ҳаё,
хаёлларнинг ҳалолидан айла насиб.
Кипригимга қўнган тушлар ростми, Худо,
Раҳмоний туш – келажакнинг ҳомиласи.

Ютиб-ютиб, ютмаганим ишқми ҳаво?
Ошиқ бўлсак у чин нафас қарздормасми?
Ишқ Раббоний шабодами, Момо Ҳавво?
Одам Ато, ошиқ абад сарсонмасми?!

Бир най чалур кўкда туриб ёмғирнаво
ва бошланар тупроқ учун дийдор фасли.
Ўйларимга ботиб кетган хулқи расо,
пешонамга битилгани сен бўлсайдинг...

Чап кўксимга жойлагани севги ва ё
гулруҳ оҳу берган иншо этаётиб,
Қадамлари эшитилар, бағри яро
ўзи каби оҳу излаб кетаётир.

Титроқлари тегиб ўтар фурсатларга,
бўй кўрсатар гоҳ шукрона, гоҳ тавбаси.
Бир қўрқувим – кунлар келиб етсак ёрга,
ҳуркак оҳум, қадамларинг тўхтамасми?..

## СЕНГА

Тун ярмидан кетди синиб,
юлдуз – осмон сепкиллари.
Тўлин ойнинг хўрсиниғи
бошлаб келган эпкинларнинг
ҳасратини тинглар япроқ.

Куй чалади қароқларим
ўксиб-ўксиб, ўксиб-ўксиб.
Бунда сенсиз кунлар ғариб,
тунлар ҳазин тушлар тўкди.

Қийноқдаман, жим ухлама,
уйғон,
тўлғон,
бедормисан?
Ахир, мен-ку миллион йилки,
чап кўксингнинг дарвозасин
тақиллатган.

Оғрияпти киприкларим,
розимасман, ором олсанг.
Тан ол, ахир борган сари
оғриб борар-ку қобирғанг.

Бунда сенсиз кунлар ғариб,
қайлардасан, кўнгил ярмим?
Ичиб қўяр тонг симириб
кўк юзидан сепкилларни...

## ТИЛАК

Осмон даъво қилган тупроқдай ноҳақ,
ҳам ўтда тобланган қиличдай кескир –
Исёним кўксимда бораркан эскиб,
мендаги итоат бўлиб қайт!

Кўзимдан малаклар учдилар йироқ,
сужудим вужуддан ўтмади нари.
Вақт умримни тинмай еғани сари
аҳдни унутяпман, эслат, Алмисоқ!

## ТАТЯНА

**(туркум шеърлар)**

***

Хона. Сукунат ва чироқнинг
бошланар зулматга исёни.
Очилар кейинги саҳифа
кетади кул бўлган ҳис ёниб.

Юрагимда мизғийди соғинч,
қўлларидан тутиб сабрни.
Ўқийман "...бир ёввойи, ғамлиғ"*
наҳот, Пушкин мени танирди.

Тан олмайсан Евгенийлигинг
айтолмайман сенга ботиниб.
Мен биламан, Онегин қотил,
сен-чи? Сен ҳам ишқим қотили.

Қизиқ, эрта нима бўларкин,
яшаб қўйсам Татьяна умрин?
Йўқ-йўқ, менинг муддаойим – ишқ
ва Онегин.

Кўзларимнинг кўзи ёрийди,
дуо макон топар сўзимдан.
Татьянанинг Худоси Пушкин,
ё Раб, менинг эгам Ўзингсан!

Ўзинг мени ишқимга етказ...
Ва сен ҳақда келар бир овоз.
Пушкин мени танирди буткул,
Татьяна деб атаган холос.

* – асардан Татьяна таърифи.

***

Менинг қийноқларим сенга нотаниш,
мени Пушкин танир,
Худо билади.
Киприкларим чалар битта нотани,
ҳар тун ҳижронлардан бахтни тиланиб.

Азал ишқий эдим, ишқийман ҳамон,
о, мени қайтадан танир муҳаббат.
Заминга изҳорин йўллайди Само:
ёмғир муҳаббатдир,
ёмғир – муҳаббат.

Ҳеч ким айбламайди томчилар беайб,
оҳиста уйғотар туфроқ исини.
Тилимни куйдирган калима – Ё Раб,
тезроқ юрагимни қўйса иситиб!

Қалбдан сизиб чиққан минг йиллик асир,
лаблар тўсолмаган хатоми севги?
Армонларнинг рақси, орзулар акси,
чиндан ҳам фалакдан атоми севги?!

... Мавжудсан йиғлоқи кулгуларимда,
унутмоқ – эсламоқ демакдир яна,
Жаннат иси келган туйғуларимдан
ўсиб чиқаверар ошиқ –
Татьяна!

***

Қуёш кўкни этаркан тарк,
ой – осмоннинг кўнгли – ярим.
Тун ҳам ярим, кўзларимдан
ўзин отар қийноқларим.

Сокин кетдинг мисли офтоб,
тун қаддини эгди бу кун.
Сўроқларни,
фироқларни
кўтаролмас бўлса елканг,
киприкларим бор эди-ку!

Юлдузларни ёққан недир?..
нега япроқ юзи ажин?
Ё уларни қаритдими,
қайтгум, деган ел чўпчаги?

Боқ, кечмоқлик йўлларига
хайр ўралган, хайр ўралган.
Осмон бўл-у ярим кўнглинг
яширмоқни тонгдан ўрган.

***

Мен япроқман, шабоданинг эсмоғидан
бахтга тўлган, кулгуларим гўзал эди.
Ишққа исён, мезон учун итоатим –
сарғайганим яшилликдан ўзар эди.

Шамол бўлдинг –
бош қўймоққа ярамаган
елкаларинг опичлагач ёмғирларни.
Банд-бандимдан узилмоқлик бўлди қисмат,
зир титради дарахтимнинг томирлари.

Сен биласан, мен япроқман, мард япроқман,
оёқости, ичи тўла дард япроқман.
рақс этмайин дайди шамол куйларига,
бир кафт учун ҳам хазон, ҳам зар япроқман.

Кўзларимдан ўсар кузнинг ёмғирлари,
йиллар асрар соғинчимни қанотида.
Андуҳлардан вужудида гул ўстириб,
бир ишқ яшар ҳар япроқнинг фарёдида...
Мен япроқман!

## СЎНГСЎЗ

Сен яна куз бўлиб кирсанг қалбимга,
сукутга тўлдириб ғарб-у машриқни.
Бир умр баҳорий ҳисга талпинган
қизга жабрмасми кузнинг ташрифи?

Сен яна қалбимга куз бўлиб кирсанг,
менинг кипригимда кўклам гул очса.
Қадим туйғуларга қўлим силкисам,
кузда борми илож ёнмоқдан бошқа?

Қалбимга сен яна куз бўлиб кирсанг
ва мени элтмоқчи бўлсанг аёзга.
Баҳодир ғururинг энг тубан қоя...
бир тупроқ излайман осмондан ўзган!

**Валентина НОВКОВИЧ:**

# "СЎЗ ҚАРШИСИДА ТАСЛИММИЗ"



**Шануби-шарқий Оврўпанинг қоқ маркази бўлмиш Болқон ярим оролида дунёга келган Валентина Новкович ўзини чинакамига сўз санъатига бағишлаган ижодкорлардан бири, десак, муболаға бўлмас. Валентина – дилобар шоира. Аммо-лекин шоираликдан ортиб, кўплаб жаҳон адабиёти асарларни-да она тилига кифтини келтириб таржима қилади. Бундан ҳам ортиб, носирликда қалам қитирлатади. Ҳозирги кунгача унинг кўплаб шеърий ва насрий асарлари бир қанча антологияларда ва адабий нашрларда эълон қилинган, ижод намуналари рус, инглиз, поляк, румин, қозоқ ва бангол тилларига ўгирилган. Биз бугун ижодкорнинг адабиёт, ҳаёт ва хаёл ҳақидаги мушоҳадалари билан қизиқдик.**

**– Қадрли Валентина хоним, бугун юртингизда адабиёт, умуман, санъатга қандай эътибор берилмоқда?**

– Юртимизда санъат ва маданият билан фахрланиш учун етарли сабаблар кўп, бундан ташқари, бошқа маданият вакиллари учун очиқ бўлиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу эътибор, аввало, замонавий ижод соҳасининг барча шаклларини ривожлантириш, шу жумладан, биринчи навбатда, ижодкор учун қулай муҳитни яратиб бериш, уларнинг ижтимоий мавқеини яхшилаш каби ишларда яққол намоён бўлади. Бугунги кунда китоб ўқиш маданиятини ривожлантириш, серб тилини ўрганиш, сифатли нашрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириб бориш ҳукуматнинг олдига қўйган муҳим вазифалари қаторида туради.

Нашриёт – бу маданиятни ривожлантиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади, айни пайтда бу китобхонликни ривожлантиришга ва аҳолининг барча қатламларининг умумий даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, бу борада халқаро ҳамкорликлар ҳам аҳамиятга эга, бу маданиятлар алмашинуви ва санъатнинг кўлами янада кенгайиб боришига хизмат қилади.

**– Айтинг-чи, шеърият дунёни қутқаришига ишонасизми?**

– Бугун яшин тезлигида ўсиб бораётган ахборот майдонида ва инсонлар ҳаётида шеърият ўз ўрни учун курашиб яшамоқда. Андрей Тарковскийнинг "Бутун дунё учун ҳозиргидан ҳам яхшироқ руҳий муҳит яратишимиз керак", деган гапи бор. Худди шунингдек, олдимизда ҳам баъзан жавобсиз қоладиган саволлар турибди: бугунги дунёда шеъриятнинг ўрни қандай? Чиндан ҳам назм учун муаммоли давр келдими? Тарковский айтган руҳий муҳит тағин ҳам шеър билан боғлиқми ё аксинча?

Машҳур шоир Хелдерлиннинг "Нон ва шароб" шеърида ҳам "Нима учун шоирлар йўқсиллик даврида кечирар умр", деган мисралар учрайди. Балки улар ўзини айни шеърият дунёни қутқариб қолишига масъул ҳисоблаганлари учундир? Аслида, шоирнинг овози одамларга етиб боряптими? Айтиш керакки, шоирнинг роли қандайдир ғояларга риоя қилиб яшашдан иборат эмас, аксинча, табиатдаги мавжудотлар ва ҳодисотлар мураккаблигини инсон тилида сўзламоқлик унинг вазифаси. Шоир фақат туйғуларга ўралашиб, шеърият хиёбонидаги жойни "банд қилмаслиги" лозим. Ижод – бу биз тан олмайдиган касб, аммо ҳамиша унинг олдида таслим бўламиз ожиз қоламиз, яъни сўзнинг олдида! Ҳа, поэтика керакли вақтда дунёни тутиб қола олади. Унинг асрлар давомида бу ишни уддалаётгани эса фикримнинг яққол далилидир.

**– Ижод нима аслида?**

– Биз ҳар биримиз жисмоний ва руҳий хусусиятлари бир-бирига боғлиқ бўлган ноёб мавжудотмиз ва охирида уларни мазмунан бир бутунликка бирлаштирамиз. Ижод – бу ноёб кошинкорлик учун сарфланадиган қувват, ўзингдаги парчаланишларни яхлит бир жойга йиғасан ва бу сен учун ҳақиқатга айланади. Ижод – бу ўзимизни ўзгаларда намоён қилиш учун йўл. У ижодкорнинг энг қоронғу йўлларини ўчмайдиган ёруғлик билан ёритади ва ўз моҳиятига эришишда ёрдам беради.

**– Ижодкорда шундай дамлар бўладики, гоҳида қўлига қалам ололмайди. Хўш, ёзолмай қолиш ҳақида нима дейиш мумкин?**

– Инсон ўзи яратиқ ва у яратиш, ижод қилиш неъматидан баҳраманд бўлди. Ижодкорга керак бўладиган жамики нарса ўзида мужассам, яъни ижод қилиш учун. Булар маълум бир ишда, хоҳ расм, хоҳ бирор ҳайкал, фотосурат ёки шеърда юзага чиқмаса ҳам, у ижодкор эмас, деёлмаймиз. Ҳар бир инсон ижодкор аслида. Баъзан ички жўшқинлик биз очиқ кўз билан кўра оладиганларимиздан кўра кучлироқ бўлиши мумкин. Масалан, ибодатнинг ўзи бир ижод, у бизнинг ичимизда, қалбимизда. Буларнинг барчаси биз қўлимиз ёки сўзимиз билан яратишга қодир бўлмаган ижод дегани. Бу эса инсоният учун шараф ҳисобланади.

**– Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур! Зиё тарқатишдек эзгу амалларингизда муваффақият тилаб қоламиз.**

– Фурсатдан фойдаланиб, жаҳоннинг барча таниқли муаллифларини бирлаштираётган Ўзбекистондаги адабий нашр ҳисобланмиш "Китоб дунёси"га алоҳида ташаккур айтаман. Ўзбекистон ва дунёни боғлаётган бу адабиёт сув каби доим ўз йўлини топиб кетади ва мана, неча манзилларни, қалбларни бирлаштирмоқда. Мен ҳам келгуси ишларингизда муваффақият тилайман, сўзимиз кўнглимизга яқин, шундай экан, дил розларимиз бир-бировимизга ихлосманд бўлган ижод кишиларига етиб боради, деб умид қиламан.

**Гулруҳ ИСЛОМАЛИЕВА**
**суҳбатлашди**



**Биплаб МАЖИ (1947),**
**бангол шоири ва ёзувчиси**

# "ШЕЪР ЭЗГУЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ"

**Бугун ҳинд, хусусан, бангол адабиётида номдор ижодкорлар орасида Биплаб Мажи ўз сўз ва ўрнига эга шоир ва ёзувчидир. Бўлажак қаламкаш табиий фанлар соҳасида Калькутта университетини тамомлагач, Москва давлат университетида рус тили мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Ҳозирги кунга қадар унинг 28 та шеърий, 36 та насрий, 16 та таржима, 6 та болаларга бағишланган китоблари адабиёт ихлосмандларига тортиқ қилинган. У кўплаб халқаро ва миллий мукофотлар совриндори. Айни пайтда у Калькутта шаҳридаги Халқаро маданиятлараро тадқиқотлар жамиятининг бош маслаҳатчиси сифатида фаолият юритмоқда. Биз бугун адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ижодкор феномени борасидаги саволларимизга жавоб олиш давомида Биплаб Мажининг катта тафаккурга эга ижодкор эканига шоҳид бўлдик.**

**– Биплаб соҳиб, ҳинд диёрида бугун адабиёт ва санъатга қандай муносабат бўлмоқда?**

– Ҳинд адабиёти – улкан уммон. "Ведалар", "Упанишад", "Рамаяна" ва "Маҳобхорат" каби буюк асарлари мавжуд бўлган адабиётимиз 3000 йилдан ортиқ тарихга эга. Қадимги замонлардан ҳозирги кунгача Ҳиндистон халқлари адабиёт ва санъатга катта аҳамият беришади.

Адабиёт ҳам ўз тараққиётида турли хил тизимларнинг таъсирига учраган, албатта. Бугун эса адабиёт оддий одамларники. Улар ҳар қандай жанрдаги китобларни ўқишни севишади.

Сўнгги тадқиқотларга кўра бизда 780 дан ортиқ жонли тиллар мавжуд. Улардан йигирма иккитаси расмий ҳинд тилидир. Шунинг учун Ҳиндистонда минтақавий адабиёт ҳам шаклланган. Буюк ёзувчимиз, Нобель мукофоти соҳиби Рабиндронат Тагорнинг она тили бўлмиш бангол тили ҳам улардан бири ҳисобланади. Шахсан ўзим ҳам бангол тилида қалам тебратаман.

**– Сиз шеърият дунёни қутқаришига ишонасизми?**

– Шу кунгача инсоният урушлар, қамаллар, ирқчилик, экологик ривожланиш ва глобал исиш каби кенг қамровли муаммолар қуршовида яшаб келди ва омон қолиш учун тинимсиз курашди. Бугун эса камига, коронавирус пандемияси. Мана шундай паллада, умуман инсоният бошига тушган барча синовли кунларда шеър, шеърият кишилар кўнглини ёритиб туриши, шубҳасиз. Шеърият шоирнинг ягона қуроли бўлиб, унинг ёрдамида биз дунёдаги эзгуликни сақлаб қоламиз.

**– Сиз учун ёзиш нима?**

– Ёзиш – бу яратмоқ демак. Бу бирон бир янги нарсани бунёд қилиш жараёни ёки ҳаракатидир. Дейлик, табиатан гуллар ўрмонда, кенг ялангликларда туғилади ва гуллайди. Аммо биз уларни йиғиб гулдаста ясаганимизда, бу санъат асари – санъаткорнинг ижодига айланади.

**– Ёзолмаслик ҳақида нима дейсиз?**

– Биз мавжуд дунёда ва тажрибамизда бўлмаган нарсани ятолмаймиз. Барча ижод маҳсулларимиз бизнинг умримиз ва маконимиз инъикосидир. Шундай экан, биз яратолмайдиган нарсани яратмаслигимиз керак.

**– Қимматли вақтингизни аямай, газетамиз саволларига бафуржа жавобларингиз учун каттакон ташаккур!**

– 1976-77 йилларда Москва давлат университетида ўқиб юрган кезларимда ҳар ҳафта "Литературная газета"ни мириқиб мутолаа қилардим. Чунки у фақат адабиёт, адабий маълумотлар ва китоблар ҳақидаги нашр эди. Ҳиндистонга қайтганимдан сўнг ҳам ушбу газетани элчихонадан олиб ўқидим.

"Китоб дунёси"ни эса фақат дунё адабиёти ва китобларига бағишланган таниқли нашр деб биламан. Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб, таърифга сиғмайди. Шу ўринда, ўзбек ўқувчилари ва зиёлиларига ҳавасим келаётганини яширмайман.

**Мафтуна РАИМҚУЛОВА**
**суҳбатлашди**

**Унинг болалиги қаттол замонларга тўғри келди. Митти елкасида қисматнинг оғир юкини кўтаришга мажбур бўлди. Рангтасвир устаси бўлмиш отаси чизган суратларни 10 ёшли қизалоқ, қозон қайнаши учун, 3 чақадан сотишига тўғри келди. Аммо-лекин отаси дориломон кунларга етиб келолмади – қаттол асрда узилди. Шундай эса-да, бир тишлам нон учун жон бериб, жон талашган бўлса-да, ота қизчага бой тасаввур қолдириб кетди. Орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Беғубор жилвалар камолотга эришган, хаёл ва ҳаёт қоришиб кетмиш сувратлар солиб кўпчиликни лол қолдирган аёл табассумига эврилди. Бугун эса ўша кичик устахонада мойбўёқда сурат солаётган отасини кузатиб ўтирган қизалоқни санъат ихлосмандлари Глория Кеҳ сифтида танийди. Глория хоним бугун кўплаб мукофотларга, эътирофга сазовор бўлди. Ўзининг беназир сувратлари билан санъат шайдолари меҳрини қозонди. Ахир, Глория хоним санъат ҳомийси бўлмиш аждаҳо йилида, сув аждаҳоси йилида дунёга келганди. Куни кеча Сингапурда яшаб ижод қилаётган Глория хонимни хаёл-тасаввур, ижод ва ҳаёт ҳақидаги саволларимиз билан суҳбатга чорладик. Ҳозирги синовли кунларда дабдурустдан "Ўзингиз ҳақингизда сўзлаб беринг", деган мурожаатимиздан бироз ҳайронланиб турган Глория Кеҳ газетамиз ҳақидаги фикрларни излаб ўқиб билди, шекилли, кейин енгил тин олиб, баҳоли қудрат саволларимизга жавоб берди. Ана шундан кейин танидик, танишдик.**



**Глория КЕҲ (1952), хитойлик мусаввира**

# "ШЕЪРИЯТ ҲИС-ТУЙҒУЛАРИМИЗГА УЙҚАШ"

**– Глория хоним, суҳбатимизни юртингизда адабиёт ва санъатга бўлган муносабатдан бошласак...**

– Мен Жануби-шарқий Осиёдаги кичик бир орол-давлатда яшайман. Албатта, мамлакатимизда санъат қўллаб-қувватланади. Адабий саҳнада рўй бераётган барча воқеалар давлат томонидан молиялаштирилади. Миллий Мерос Кенгаши, Сингапур Туризм кенгаши ва идоралар билан ҳамкорликда санъат соҳасида яхши ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сингапурда кўплаб халқаро даражадаги музейлар бор, масалан, Сингапур санъат музейи, Сингапур миллий галереяси, Санъат ва фан музейи, шунингдек, бир қатор миллатимиз маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи марказлар фаолият юритмоқда. Сингапурда кўплаб халқаро санъат ярмаркалари ўтказилади. Бундан ташқари, театр ва рақс, мусиқа ва тасвирий санъатнинг диққат марказида бўлган Сингапур халқаро санъат фестивали ва Сингапур Ёзувчилар фестивали эл орасида жуда машҳур. Сингапурда бир неча санъат марказлари мавжуд. У хоҳ шеърият бўлсин, хоҳ ҳайкалтарошлик, фотография, кино саноати дейсизми, барчасини халқимиз қадрлайди.

**– Шеърият дунёни қутқаришига ишонасизми?**

– Шеърият бизни, дунёни ўзгартириши турган гап. Чунки бу маъвонинг бутун шаклу шамойили ва мазмун-моҳияти ҳис-туйғуларимизга уйқаш. Шеърият бизни ҳайратлантиради, фикрлашга ундайди ва буни амалга ошириш давомида бизнинг дунёқарашимизни ҳамда турли ҳаётий вазиятларга муносабатимизни ўзгартиради. Тарихда ҳам шоирлар бир қатор ўзгаришларни бошлаб беришган. Саппҳодан тортиб Шекспиргача, Бингенинг Хилдегардидан то Мирабайгача. Замонавий шоирлар ҳақида гап кетганда, ётган жойлари нурга тўлгур Томас Мертор, Тхич Нҳат Нанҳ ва Пабло Нерудани ёд этмоқ лозим. Уларнинг асарларини қайта-қайта ўқиш мени ижодга ундайди. Американинг улуғ шоири сўзлари билан айтганда, "Дунёни қутқарадиган ягона нарса бу – дунёни англамоқ. Бу эса шеъриятнинг иши".

**– Сизнинг наздингизда, ижод қилмоқ, яратмоқ бу...**

– "Яратиш" деганда кўпчилик Яратганни ёдга олади. Мен Парвардигорни эслаш билан бирга, бу бизларга У инъом этган имкон деб биламан. Ижод – бу фикр ва хоҳиш билан бошланган эзгу ҳаракат. Унинг манбаи эса бизнинг ўзимиз, ичимизда. Оилам учун хавфсиз муҳит учун уй қураманми ёки сонет ёзиб, сурат соламанми, буларнинг барчаси салоҳиятимнинг намойиши. Мен сурат чизаман, ёзаман ҳам. Ижод жараёнида қоғоз – менинг бир бўлагим. Алқисса, менинг бир бўлагим ижод намуналаримда яшай бошлайди. У ҳатто вафотимдан кейин ҳам яшашда давом этаверади. Бошқача қилиб айтсак, яратиқларим ҳам ўлиши мумкин. Масалан, мен санъат билан шуғулланаман ва бадиий журнални юритаман. Ичимга чироқ ёқса, ёришмайдиган паллаларда эса бўяйман, ёзаман, ўша ижод намунаси изтиробларимни "ютиб" юборади. Бадбинлик ижобий тебранишга айланади. Демакки, оламнинг яралиши учун ўлим керак.

**– Ижод қилолмаслик ҳақида нималарни ўйлайсиз?**

– Ижод – умрнинг ажралмас қисми, балки асоси ҳам. Биз юксак орзулар, янги тушунчалар ярата оламиз. Ошхонада жиз-биз қилиш ҳам ижод. Чиройли боғлар барпо этиш, гулдасталар тайёрлаш, мушкулларга дуч келганимизда (нима қилса ҳам хом сут эмган бандамиз-да) қилинган ибодат ҳам ижод, деб ўйлайман. Модомики, томирларимизда оқиб турган қон гупириб югургилаётган экан, биз ижоддамиз. Ундан тўхташ мумкин эмас. Ижод биргина санъат ёки адабиёт одами учун эмас. Уни Яратган Эгам барча бандасига ато этган.

**– Глория хоним, ижодингизда, ҳаётингизда баркамоллик, бағрибутунлик тилаб қоламиз.**

**Саиджалол САИДМУРОДОВ**
**суҳбатлашди**

# Сўзласам, тилимда сўзларим ёнди...



Рустам БЕҲРУДИЙ,
озар шоири

* * *

Яширдик, очмадинг бир сиримизни,
Термулиб турсакда юзма-юз, фақир.
Севаман, демадик бир-биримизни,
Сўзсиз ҳам қалбимиз англарди ахир.

Эркам, бу айрилиқ – сўнгсўзи ишқнинг,
Бу ҳижроннинг кутган севгилиси – ғам.
Кўнгил, етар кетдик, бу айрилиқнинг,
Мен ортиқ жабрини чека билмайман...

Ўзингни алдагин, юрагинг кўнар,
Кўйлак тик ҳижронга сабримдан менинг.
Янги бир муҳаббат майсадек унар,
Қалбингда қазилган қабримдан менинг.

Демайман: – Севилма, севма, энди бас...
Мен хафа бўлмайман, унут, бу дамлар.
Сира англолмайман, унута олмас,
Айт, нега ҳамиша унутилганлар...

* * *

Бу ишқ – сўнгсизликдир!
Учрашдик нега,
Нега талашдик айт, айрилдик абгор?
Бу қандай севгидир сўлади, гулим,
Хотира азоби гуллайди такрор.

Тангрим, гуноҳим не, бу не жазодир,
Неларга дуч келиб кўзларим тонди.
Сўзласам, сўзимдан унаверди – ғам,
Сўзласам, тилимда сўзларим ёнди...

Оҳ, шунча оғирми, жоним, муҳаббат,
Савдолар – бағримда тузалмас яра.
Кел, иста, бугун мен ўзимдан кечай,
Юз тутиб, ҳув олис айрилиқларга...

Кетдим юзни буриб, англадим не дард,
Фузулий тунлари не чекар, билдим.
Суратсиз севгилар ҳайкали мисол,
Ҳайкалинг қабримда тикланар, билдим.

О, яна минг йиллар ўтар дунёдан,
Ҳар йўлнинг бошида ишқ бор, савдо бор.

Не бахтки, Эслиннинг сирлидир йўли,
Севсам Карам этгай мени савдолар.

Туғанмас бу савдо, ўксинма, кўнглим,
Кел, бу ғам ичинда бахт бордир минг-минг.
Мени "мен" қилган ҳам шу айрилиқлар,
Найлай, йўлчисиман айрилиқларнинг.

Бир ишқни сир каби қалбингда гизла,
Гар очсанг айролик битади бир дам.
Шу кундан бошланар саодатимиз,
Шу кундан бошланар фожиамиз ҳам...

* * *

Сенсиз мен, ёлғизман ер куррасида,
ишқ менга англатар не бор, дунёда.
Қисматдан, имкондан узоқ, кўп олис,
илоҳий севгилар яшар дунёда.
Мени унутма...

Йўл олсам, изтироб, азоб тўрвамдир,
шодлигим зор излаб ўтади мени.
Сенга элтар йўллар – саодатсиз, тор,
сўнггида айрилиқ кутади мени.
Мени унутма...

Йўл олсам, кўксимга, соғинч фармондир,
ўйилар, бардошим хон Араз бўлар.
Ҳақиқий севгининг, гулим, не учун,
висоли ҳамиша ўй-фараз бўлар.
Мени унутма...

Ҳеч телба бўлмасанг, шунчаки севсанг,
бу ишққа инонмоқ хаёлдир ё туш.
Мен телбавор бўлдим ёз оқшомида,
ой ҳам бир инсондир танҳо, фаромуш.
Мени унутма...

Ё Раббим, гар ўлсам бир кун севгидан,
биламан, не дейсан, кетсам йироққа.
Сўзлашар менинг-ла гўё инсондай,
сўз айтсам дарахтга, майса, япроққа.
Мени унутма...

Агар бахтли бўлсам, Араз раҳм этар,
ёши афсонага тенг дардим гарчанд.
Қайдадир бир она тилида дуо,
қайдадир яшайди бир телба фарзанд.
Мени унутма...

* * *

Шоир тушларига кирар гул-майса,
Энади самодан малаклар ҳар кеч.
Уйқумда – саросар,
унинг учун мен
оҳ чектим...
Худойим, билмайдилар ҳеч...

Ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
бузилар чодирлар, ўчоқлар ўчар,
тангри қарғиши-ла қисмати кечар,
қисмати ўтганда ғам сарҳадидан,
бир ёни кунботар, бир ён кунчиқар –
тоғлари, дарёси, одамларидан,
ҳатто ўтинидан ғариблик унгай,
қора тупроғига не данак эксанг,
қайта ва қайталаб айрилиқ битар,
бўлиниб-бўлиниб, йўқ бўлар, йитар,
ажойиб бир юртдир,
ғаройиб бир юрт!

Ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
бу юрт-ла яшадим, бу юрт ишқида,
мавжланиб-мавжланиб ўзандан тошдим.
Енисей, Итилу Волгадан ўтиб,
Олтой, яна қанча тоғлардан ошдим.

Юзи мовий,
кўзи ҳатто кўкдан мовий,
оғизида лахча-лахча олов бор қурд.
Ажойиб бир юртдир,
ғаройиб бир юрт!

Ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
қошимга ғам келар аждарҳо каби,
тушимда гарангсиб қурд сарсон ўтар.
Айт, нега, ҳар доим тушларим аро,
қурд кўксидан азоб, минг армон ўтар.

Энди беркинганча келади ҳурлик,
мавжлана-мавжлана армон тошар шаън.
Улуслар, Байкўллар, Кўкчалар сени,
мендан сўрайдилар, Бўз қурд, қайдасан?

Кел, мовий ишқ каби элан бош узра,
кел ўрла, илдизи метин дарахтдек.
Мени зил тушлардан олиб кетмоққа,
Қорақуш исмли бўз отлар керак,
кўзида ўт чақнар авлодлар керак.

Эшитаяпсизми?
қора тулпорнинг,
кишнашлари келар мисраларимдан.
Сасимга биронта йўқ қулоқ осган,
Интизор йўлингда тайёр турибман,
сени кутадирман, Бўз қурд, қайдасан?

Ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро,
Юзи мовий,
кўзи ҳатто кўкдан мовий,
оғизида лахча-лахча олов бор қурд.
Ажойиб бир юрту,
ғаройиб бир юрт!

Ҳар кеча, ҳар оқшом тушларим аро...

Шоир тушларига кирар гул-майса,
Энади самодан малаклар ҳар кеч.
Уйқумда – саросар,
унинг учун мен
оҳ чектим...
Худойим, билмайдилар ҳеч...

**Озар тилидан**
**Раҳмат БОБОЖОН**
**таржимаси**

**Таниқли ҳинд шоири Ашок Кумар Митра Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида таваллуд топган. Ҳозирда "CALCUTTA CANVAS" ва "INDUS CHRONICLE" нашрларининг Бош муҳаррири сифатида фаолият юритмоқда.**

**Шеърлари ҳинд, панжоб, ассом, итальян, француз, немис, поляк, форс, серб, араб, иброний, малай, мандарин, румин, испан, озар, рус, ўзбек, қирғиз, грек, швед, норвег, хитой тилларига таржима қилинган.**

**Ашок Матра зуллисонайн шоир сифатида – ҳинд ва инглиз тилида шеърлар битади.**

# Кўзларингнинг хотираси бор

## *"Бешафқат шамоллар" китобидан*

* * *

Мен эслайман,
жимгина кетганингни бу йўлдан,
Хотиралар оқшом чоғи
сурат солар умримга.

Муҳаббатнинг чексизлиги денгизларда намоён,
Мағрурликнинг эрксизлиги фақат сенда кўрингай.

Мен эслайман,
кўпинча сен рақс тушасан энг ғамли.
Бу оламда ёнма-ёндир
мушкнинг ва чангнинг иси.

О, шамоллар келтирганда
ёввойи кулгуларни,
Сен барига кўниб кетдинг,
мовий кўзли нафисим...

* * *

Тун қорайган маҳал,
кўзлари бойланган икки севишган,
соялар суратин чиза бошлайди,
сўз топа олмасдан недир дейишга...

Биз аввал қайдадир –
дарёми, денгиз:
мовий тўлқинларда яшаб ўтганмиз.
Муҳаббат,
Алдам,
Чексиз ҳимоя,
Бари ой нурида ясар ҳикоя...

Тун ўтиб боради,
кўтариб дунёнинг муаллақ куйин,
Фақат шу дунёга сиғдира олмас,
Икки севишганнинг бахтлилик ўйин...

* * *

Оқшом қораймоқда,
Настаринлар оралаб,
Сариқ дарёларни кечиб кел қошимга.

Умидим, сен ҳали унутмагансан,
Ёлғиз юриб келган йўлнинг бошини.



Ашок Кумар МИТРА (1960)

Эҳтиёт бўлиб қайт, денгизларни кеч,
Шафқатсиз ҳаётнинг бурилиши ва,
Сароблар жилваси чалғитмасин ҳеч.

Биз шундай борамиз кимсасизликда,
Елкамизга дунё ғамларин ортиб.
Ақл ва туйғулар тортган ипларни
Икки томон тортиб...

* * *

Океаннинг мовийлигида,
сенинг кўзларингнинг хотираси бор,
Шафақлар ёнади сўнгги шағамдек,
туйғуларим эса
соҳилда қоқилиб кетади юз бор...

Сенинг кўзларингнинг хотираси бор
куйлар таманноси энди тинмасми?
Баъзан қийнар, вақту макон ва
Сен ҳақингда ортиқ билмаслик...

Ҳарфма-ҳарф ўқийман,
нигоҳинг хотирасини.
вақтнинг тўлқинлари ниҳоят тинган.
Фақат безовтароқ кўринар қушлар,
кўзларига мовийлик инган...

**Инглиз тилидан Зулҳумор**
**ОРИФЖОНОВА таржимаси**

# АДИБЛАР УЧУН ЎН ҚОИДА



Рюноскэ АКУТАГАВА
(1892-1927),
япон адиби

1. Адиб бир жиҳатни чуқур билиши жоизки, адабиётнинг барча турлари ичида насрий асарларда бадиийлик нисбатан кам бўлади. Адабиёт том маънода фақат назмдан иборат. Таркибида назм мавжудлиги боис наср адабиётда ўз ўрнига эга. Шундай экан, тарихий ва биографик асарлар ҳам проза саналади.

2. Носир шоир бўлиш билан бир қаторда, тарихчи ва биограф ҳам ҳисобланади. Шундай экан, у инсон ҳаёти (муайян мамлакатнинг муайян бир даври) билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Мурасаки-сикибудан («Гэндзи ҳақида қисса» асари муаллифи) то Ихара Сайкакугача бўлган япон носирлари бунинг ёрқин далилидир.

3. Шоир – барча олдида ўз қалбини очувчи инсон (ҳеч бўлмаганда, аёл қалбини ром этиш учун мавжуд бўлган севги лирикасига эътибор беринг). Носир нафақат шоир, балки тарихчи ёки биограф бўлгани боис, унинг қалбида биографнинг қирраларини ўзида жамлаган ёндоманавис ҳам яшаши шарт. Шундай экан, носир оддий инсонларга нисбатан кўпроқ ўз ташвишли ҳаёти билан тўқнаш келади. Носир ичидаги шоир кучли ижодий иқтидор эгаси бўлиши керак. Агар ўша носир ичидаги шоир тарихчи ёхуд биографдан кучлироқ бўлса, у ҳолда носирнинг ҳаёти бутунлай фожиага айланиб кетади (агар Наполеон ёки Ленин шоир бўлишганда, ҳеч шубҳасиз, адабиёт олами тенгсиз икки носир билан бойиган бўларди).

4. Юқорида келтирилган уч бўлимда қилинган қайдларнинг кўрсатишича, носир иқтидори уч жиҳат – шоирлик салоҳияти, тарихчи ёки биограф салоҳияти ва ҳаётий тажрибанинг намоёнига боғлиқ. Аждодларимиз мазкур уч салоҳиятнинг бир-бирига зид келишига йўл қўймаслик энг оғир вазифа деб ҳисоблашади (бундай санамайдиган одамлар – ўрта даражадаги одамлар). Ёзувчи бўлишни истаган киши автомобиль мактабини тамомламаган ва машинасини кўчада катта тезликда ҳайдаётган ҳайдовчига ўхшайди. У сира ҳаёти сокин ва тинч ўтишига умид боғламаслиги керак.

5. Ёзувчи ҳаёти сокин ва тинч ўтишига умид боғламаслиги керак бўлар экан, у фақат ўз ҳаётий кучига, пулига ва ҳаётга бўлган фалсафий қарашига ишониши шарт (беҳаловат турмуш кечиришга тайёр бўлиши керак). Сокин ҳаёт ва ёзувчилик, қанчалик кутилмаган кўринмасин, одатда, бир-бирига мувофиқ эмаслигини қатъий тушуниш жоиз. Сокин ҳаётга интиладиган инсон ёзувчи бўлишни умид қилмагани маъқул. Ёдда тутиш жоизки, одатда нисбатан сокин ҳаёт кечираётган ёзувчининг таржимаи ҳоли шунчаки бизга тўлиқ маълум бўлмайди.

6. Шунга қарамай, агар ёзувчи нисбатан сокин ҳаёт кечиришни истаса, у ўзи каби иқтидорлилардан кўра кўпроқ ўз ҳаётий тажриба ва салоҳиятини кучайтириши керак. Бу, табиийки, айнан ўз ҳаётий тажрибаси туфайли адиб ўзига хос асар қолдириши мумкинлигини белгиламайди (гарчи буни инкор ҳам қилмаса-да). Ҳаётий салоҳият – ўз тақдири устидан ҳукмрон (ҳолбуки, ўз тақдири устидан ҳукмрон бўлишга ҳеч қандай кафолат йўқ), барча, ҳаттоки энг тентак инсонлар билан ҳам хушмуомала, илтифотли бўла олишдир.

7. Адабиёт – сўз ёрдамида ўз туйғуларини ифодалашдир. Шунга кўра, ёзувчи сўзларини чархлаш учун меҳнатдан қочмаслиги керак. Агар инсон сўз зарофатига кириб бора олмас экан, ёзувчига зурур бўлган ижодкорлик хислати унга бегона бўлади. Сайкакуни ўз даврида прозанинг ўрнатилган тартибларини бузгани учун «голланд Сайкакуси» дея аташмаган, аксинча, унга шеъриятдан олган сўзларнинг зарофатини англагани учун шундай ном беришган.

8. Муайян мамлакат ва муайян даврга бағишланган насрий асар тарихий шароит билан боғлиқ маълум бир қонунларга асосланади. Ёзувчи бўлмоқчи бўлган инсон мазкур қонунларга амал қилишга интилиши жоиз. Уларга риоя қилишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: 1) Аждодлар елкасига суянган ҳолда ўз асарини яратиш мумкин. 2) Одамшинаванда бўлиб кўрингани учун адабий танқидчилар итдек талашмайди. Бироқ, бу ўзидан кейин ўлмас асар қолдиради, дегани эмас (бири иккинчисини рад этмаслигини исботлаш шарт эмас). Даҳо барча бундай қонунларни бузади (шу билан бирга у қонунларни одамлар ўйлаганчалик бузадими ёки йўқми, бу ҳам номаълум). Даҳо у ёки бу даражада еттинчи осмонда учиб юради, яъни адабиётда ижтимоий тараққиётдан (ёки ўзгаришдан) ташқари ҳаракат қилади ва оқим бўйлаб сузишга қодир бўлмайди. Уни қуёш тизимидан ташқаридаги сайёрага ўхшатиш мумкин. Шу билан боғлиқ равишда уни ўз даврида тўлақони тушунишмайди, келажакда ҳам эътироф этилиши тезда юз бермайди (бу фақатгина наср учунгина эмас, умуман адабиёт учун хосдир).

9. Ёзувчи бўлишни истаган шахс фалсафий ҳамда табиий ва иқтисодий фанлар ғояларига ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши керак. Инсон инсонийликдан йироқ бўлган ҳолатда исталган ғоя ёки назария мазкур инсоний қиёфаси бўлмаган одам ҳаёти устидан ҳукмронлик қилишга қодир эмас. Барча нарсани қандай бўлса шундай кўриш керак – бу аслиятни ифодалаш дейилади. Ёзувчи танлаши керак бўлган аслиятни ифодалашнинг энг яхши усули – "қандай бўлса шундай" жумласини "қарз қоғози кўз олдида турган вақтда қандай бўлса шундай кўриш эмас", балки ёзувчининг нуқтаи назарида қандай бўлса шундай, деб тушуниш жоиз.

10. Насрий асар ёзиш қоидаларининг исталгани ҳам Олтин қоида бўлавермайди. Албатта, менинг "ўн қоидам" ҳам шундай саналмайди. Кимга ёзувчи бўлиш насиб қилса, ўша ёзувчи бўлади, буюрмаган бу оламга киролмайди.

**Изоҳ:** *Мен шубҳа қилувчиман. Тан олишим жоизки, шеъриятга дуч келиб, ўз шубҳачилигимни асраб қолишган қанчалик интилмай, ўзимда ушбу ҳолатни ушлаб қолишни уддалаёлмадим. Шу билан бир вақтда, тан олишим жоизки, бор кучим билан ўз шубҳачилигимни сақлаб қолишга астойдил ҳаракат қилдим.*

**Маъруфжон ТОШПЎЛАТОВ таржимаси**

## ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

**Роберт АДАМСОН,** Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.

**Беттина БАЛЕКА,** Австрия, шоира, "Австрия адабиёти учун" давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси

**Кристофер ФОРД,** АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.

**Рикардо ДОМИНИК,** Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.

**Ҳусайн ибн ҲАМЗА,** Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

**Акиф ХОНСУЛТОН,** Грузия, "Қорапапақлар" илмий журнали Бош муҳаррири.

**Мзвакхе ИБУЛИ,** Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърият академияси саркотиби.

**Нилл АЙТКЕН,** Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

**Ким Бит НА,** Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.

**Ҳангюк АГИАТ,** Непал шоири, "Ражан Мукарунг" ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

**Ҳонг ИН,** Хитой адибаси, Пекин таржима маркази ходими

**Зарина КАНУКОВА,** Қабардин-Болқор, "Горянка" газетаси Бош муҳаррири.

**Олтинбек ИСМОИЛОВ,** Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.

**Эркин СЕРИКБАЕВ,** Қозоғистон, "Жалин" журнали масъул котиби.

**Зера БЕКИРОВА,** Қирим, "Янги дунё" газетаси Бош муҳаррири.

**Ҳадда СЕНГОР,** Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг "Халқаро алоқалар" бўлими бошлиғи.

**Ҳанне ЭРСТАВИК,** Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.

**Акбар ҚЎШАЛИ,** Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.

**Алмаз УЛВИ,** Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.

**Рафиқ САЙДУЛЛО,** Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.

**Нилуфар ШИХЛИ,** Россия (Москва), журналист.

**Изабелла ТАН,** Филиппин, Филиппин Шеърият академияси котиби.

**Эллимаия СЕО,** Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.

**Денис ЭМОРИН,** Франция, "Париж йилномаси" нашри мутахассиси.

**Антонис ФОСТИЕРИС,** Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори

**Кимиё ТАНАКА,** Япония, "Шики Хайкусфер" лойиҳаси раҳбари.

**Муассис:**

"TAFAKKUR BULOG'I"
масъулияти чекланган
жамияти

Таҳрир ҳайъати:

**Акмал САИДОВ**
**Дилшод САИДЖАНОВ**
**Сирожиддин САЙЙИД**
**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ**
**Шароф УСНАТДИНОВ**
**Шуҳрат РИЗАЕВ**
**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ**
**Муртазо СУЛТОНОВ**
**Аҳрор АҲМЕДОВ**
**Бахтиёр ИСҲОҚОВ**
**Тоштемир ТУРДИЕВ**
**Шуҳрат НОСИРОВ**
**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**Ҳамкорларимиз:**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

**Бош муҳаррир**
**Хосият РУСТАМОВА**

**Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета**

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шахобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда "Китоб дунёси"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

**Адади:** 5948

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4200

Газета "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2 бичимда, 4 босма табоқ, офсет усулида